Legal and regulatory risks are the risks of loss of capital and income in the Russian Federation. MFC in connection with changes in the regulatory sphere or their non-compliance with advanced international standards, as well as with the tightening of the system of regulation of financial markets and the sphere of financial servants.

One of the most important directions in the formation of an effective the legal environment in the MFC is the fight against financial fraud and money laundering. With the increasing globalization of financial markets, the risks of conducting such transactions in the MFC significantly increase, forming a bad reputation and image.

The impact of legal and regulatory risks on the activities of the MFC is difficult to overestimate. Therefore, in the middle of the XX century, New York was the main financial center of the world, but its position was sharply shaken due to the adoption of the authorities in 1963, the interest equalization tax was introduced. It was aimed at restricting the purchase by citizens of the country of foreign securities issued by foreign states and organizations and traded on the national market, through the taxation of interest income by 15% and reduction of lending to non-residents of the country. This contributed to the elevation of London as a global financial center.

Country and sovereign risks are caused by changes in the current or future political, economic and financial situation in the country of location MFC in view of the actions and decisions of the sovereign government, political difficulties, and the deterioration of the economic situation. They have a significant impact on the activities of national and international economic entities (including TNCs and TNBS).





The complexity of these risks is explained by their nature, since the analysis of this group should take into account various factors: political and economic stability, the structure of the national economy, the availability of resources (including natural, labor and financial), solvency, the level of debt burden, and a number of others.

*Strategic risks* are the risks of negative trends in the country and the MFC due to errors or imperfections in development strategies and concepts, as well as nonaccounting or insufficient accounting risks that threaten the stability of the national financial system and the national economy. Therefore, the state of national security and the vital activity of the state directly depend on the management of these risks.

Thus, it can be concluded that in modern conditions, MFCs are one of the connecting links between national and international financial markets. They provide a harmonious complex aimed at the free movement of financial resources and capital both within and outside the home countries. At the same time, uncertainty and financial turbulence make adjustments to the activities of MFCs operating in national financial and economic systems, exposing them to a system of exogenous and endogenous risks caused by the impact of a combination of external and internal factors.

### Literature

1. Desjardins J. Mapping the World's Wealthiest Cities / J, Desjardins // Visual Capitalist from 16.02.2018. - URL: <http://www.visualcapitalist.com/top-15-citiesglobally-hold-24-trillion-wealth/> 6.03. 2019.
2. Florida R. The Economic Power of Cities Compared to Nations / R. Florida // CityLab from 16.03.2017. - URL: <https://www.citylab.com/life-economic-power-of-global-cities-compared-to-nations/> 16.03.2019.
3. “Об утверждении Перечня государств и территорий, предоставляющих льготный налоговый режим налогообложения и (или) не предусматривающих раскрытия и предоставления информации при проведении финансовых операций (офшорные зоны)”: Приказ Минфина РФ от 13 ноября 2007г.
4. Беляев М.К. Финансовые центры в мировой экономике // Финансовый вестник. - 2019. - № 11. - С.26.



## **ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

***Абдурахмонова Умида Махаматсадиқовна***

*Андижон вилояти Жалакудук тумани*

*19-умумтаълим*

*мактаби инглиз тили фани*

*ўқитувчиси*

***Аннотация:*** Мазкур мақолада ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фаолиятларини ривожлантириш ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, мустақил ишлаш методлари ва унинг вазифалари ҳамда ижодий изланиш босқичлари ёритиб берилган.

***Калим сўзлар:*** ўқув, амалий, кўникма ва малакалар, таълим-тарбия, педогогика, метод, технология, фаолият, тажриба, ижодий фикр.

***Аннотация:*** В данной статье представлена информация о развитии самостоятельной и творческой деятельности студентов. Также рассматриваются методы самостоятельной работы и ее задачи, а также этапы творческого исследования.

***Ключевые слова:*** преподавание, практика, навыки и компетенции, образование, педагогика, методика, технология, деятельность, опыт, творческое мышление.

***Abstract:*** This article provides information on the development of independent and creative activities of students. Methods of independent work and its tasks, as well as the stages of creative research are also covered.

***Key words:*** teaching, practice, skills and competencies, education, pedagogy, method, technology, activity, experience, creative thinking.

Ватанимиз мустақиллиги даврида таълим тизимида рўй бераётган улкан ўзгаришлар иқтидорли ўқувчилар, талабаларга бўлган муносабатни ҳам тубдан ўзгартирди. Республикаимизнинг жаҳон ривожланган мамалакатлари даражасида тараққий этиши шу жамият аъзоларининг, айниқса ёшларнинг эркин фикрлай олиш даражаси, мустақил ижодий фаолиятлари натижалари билан белгиланади.

Ўқувчиларнинг инглиз тилини ўзлаштириши, малака ҳосил қилиши ва кўникмага эга бўлиши, фанга бўлган қизиқишини рағбатлантириш ва математикавий маданиятини шакллантиришда мустақил фикрлаш қобилиятини фаоллаштириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Бу масалаларни ҳал қилишда тил ўрганиш усуллариини ўзлаштириш, тинглаш, сўз ёдлаш, тинглаб тушуниш муҳим қисмларидан биридир. Тинглаб тушунишда ўқувчи бир пайтнинг ўзида сўзловчининг талаффузи, грамматик қоидаларга риоя қилганлиги, сўз бойлиги ва унинг маъноларига эътибор бериши талаб қилинади.



Мамлакатимизда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали инглиз тилини ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш асосида бўлажак мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва корпоратив хизматларда иштирок этишини таъминлаш учун имкониятлар яратиш вазифалари етакчилик қилмоқда.

Инглиз тилининг ўқитилиши, инглиз тили ўқитувчиларининг билим ва кўникмаларини баҳолашнинг умумевропа рамакалари тавсияномалари (CEFR) га мос равишда янги усул ва талаблари ишлаб чиқилди. Ушбу талабларга мос равишда ўқув хоналари стендлар ва янги ахборот коммуникатив техникалар билан жиҳозланди. Инглиз тили фани тўрт аспектга (ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва гапириш) бўлиниб, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида тушунча ва кўникмалар берилмоқда. Хусусан, инглиз тилини ўрганишда ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фаолиятларини ривожлантириш мақсадида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг бир қанча афзалликлари мавжуддир. Бу жараёнда, жумладан:

- компьютерлардан фойдаланганда ўқувчи инглиз тилидаги видео роликларни, намоёишларни, диалогларни кино ёки мультфильмларни ҳам кўриши ҳам эшитиши мумкин;
- инглиз тилидаги радио эшиттиришлар ва телевидениедаги дастурларни эшитиш ва томоша қилиш мумкин;
- анча анъанавий усул ҳисобланадиган магнитофон ва кассеталардан фойдаланиш;
- CD плеерлардан фойдаланиш мумкин. Бу техник воситалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг инглиз тилини ўрганишлари жараёнини қизиқарлироқ ва самаралироқ бўлишини таъминлайди. Ҳозирги кунда ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қилиш қийин. Инглиз тилини ўрганиш ва ўқитиш жараёнида интернетдан унумли фойдаланиш энг самарали усуллардан ҳисобланади. Интернет орқали инглиз тилида сўзлашувчилар билан мулоқот қилиш имконияти пайдо бўлади, бу эса ўқувчининг мустақил ва ижодий фаолиятини юқори даражада ривожлантиради. E-mail орқали хат ёзиши билан ёзиш машини такомиллаштириш мумкин.

Бинобарин, таълим соҳасида туб ислоҳатлар амалга оширилаётган бугунги кунда таълим шакли ва мазмунига қўйилаётган талаб бутунлай ўзгарди. Шунинг учун инглиз тили ўқитувчиси инглиз тили назарияси ва амалиётидан ўқитиш методларини билган ҳолда билимларни ўзлаштиришнинг педагогик-психологик қонуниятларини, малака ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш, ўқувчиларга мустақил фикрлашни ўргата билиши лозим.





Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш жоиз: “Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ...”.

Инглиз тили дарси мазмунининг маълум таркибий қисмини ижодий фаолият тажрибалари ташкил этади. Бу фаолиятни таркиб топтириш учун аввало ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини таркиб топтириш ҳамда тил ўрганиш жараёнида уларнинг мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш зарур.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил фаолиятларини ривожлантиришга уларнинг дарсда мустақил ишлашлари учун ўқув топшириқлари тузиш, турли хил объектлар, табиатдаги мавсумий ўзгаришларни ўрганиш мақсадида тажриба ва кузатиш ўтказиш юзасидан кўрсатмалар тайёрлаш, уларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, мустақил таълим учун кўшимча адабиётлар ва мультимедиаларни танлаш асосида эришади.

Ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш учун, таълим-тарбия жараёнида ривожлантирувчи таълим технологиясини ҳамда мустақил ишлаш методларини қўллаш зарур. Ривожлантирувчи таълим технологиясининг асосий ғояси – ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш саналса, мустақил иш методлари эса дарслик, кўшимча ўқув адабиётлари, кўргазма воситалари устида мустақил ўтказилган кузатиш ва тажриба натижалари, тинглаш ва ёдлаш машқлари билим манбаи ҳисобланади.

Мустақил ишлаш методлари таркибига мустақил иш топшириқларини бериш, ўқув фаолиятида мустақилликни ривожлантириш, ўқув меҳнати малакаларини таркиб топтириш, намунага мувофиқ мустақил ишларни ташкил этиш, ижодий топшириқлар бериш услублари киради.

Барча методлар каби мустақил ишлаш методининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаси мавжуд.

*Таълимий вазифаси сифатида* – ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларни мустақил эгаллашлари, билимларни чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш ва такрорлашни таъминлашини қайд этиш мумкин. Улар ўқувчи-ёшларнинг амалий ўқув кўникма ва малакаларни яхши ўзлаштиришларида муҳим аҳамиятга эга, чунки мустақил ҳаракатсиз кўникмаларни автоматлашган ва ижодий характердаги малака даражасига кўтариб бўлмайди.

*Тарбиявий йўналишдаги вазифаси* – ўқувчиларда мустақиллик, билиш фаоллиги, маънавият, фаол ҳаётий позицияни эгаллаш, меҳнатсеварлик ва инсоний фазилатларни тарбиялайди.





*Ривожлантирувчи йўналишдаги вазифаси* – ёшларнинг илмий дунёқарашини, тафаккури, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга ёрдам беради, иродани чиниктиради.

Ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантиришнинг муҳим шарти, ўқувчиларнинг ўз фикрларини далиллаш ва асослаш саналади. Шу сабабли, ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмалари асосан, ўқув мунозаралар ва баҳслар орқали ривожлантирилади.

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тилини ўрганишда ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фаолиятларини ривожлантириш замонавий таълим ёндашувларига асосланиш ҳамда ўқувчи шахсини компетентлигини таъминлашга қаратилган таълим технологияларидан фойдаланиш таълимтарбия самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ўқитиш жараёнининг асосини ўқувчиларнинг ўқув топшириқларини бажариш орқали вужудга келтириладиган мустақил фаолият ташкил этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. И.А. Каримов. “Юксак маънавият — енгилмас куч”. Т.: “Маънавият” 2008.
2. Холдарова.М, Файзиева.Н, Рихситиллаев.Ф. Чет тили ўқитишда ёрдамчи воситалардан фойдаланиш :-Т,2005



## HARMONY OF COLORS WITH A FRIEND "SAB'AI SAYOR"

**Muattar Hirojiddinova,**  
independent  
researcher

**Annotation:** In this article the reason of Alisher Navoi's "Xamsa" is the cannnotation of colorrepresenting qualities in the epic of the "Sabbai sayyor" and the harmony of colors are described.  
**Key words:** lingoepics, linguistics, color representing words, denotation, cannnotation, own meaning, extra meaning, marking, positive, negative, psyche.

**Аннотация:** мазкур мақолада Алишер Навоийнинг "Хамса"сидан ўрин олган "Сабъаи сайёр" достонидаги ранг билдирувчи сифатларнинг коннотацияси ҳамда рангларнинг гармонияси ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** лингвопоэтика, лингвистика, ранг билдирувчи сўзлар, денотация, коннотация, ўз маъно, кўчма маъно, таъсирчанлик, баҳолаш, ижобий, салбий, руҳият. **Аннотация:** в данной статье речь идёт о цветообразующие прлагателные в поэме "Семь планет" и гармонии цветообразующие прилагателных.

**Ключовые слова:** лингвопоэтика, лингвистика, цветообразующие слова, денотация, коннотация, собственные значение, коннототивные значеные, значение, влияние, оценовать, положительные, отрицательные, психика.

Алишер Навоий "Хамса"сининг тўртинчи достони "Сабъаи сайёр"да етти хил рангни дoston мазмуни ва қаҳрамонлар руҳиятини ёритишда бағоят унумли фойдаланган. Тўғри, бундай усул, яъни рангларни денотатив ва кўпроқ коннотатив маънода асар сюжетининг ишонарли ва ранго-ранг чиқишида истифода этиш хамсачилик отаси Низомий ва Амир Хусравдан ўтган. Бироқ уларда ранглар кўпроқ зоҳирий маъно касб этиб, асарнинг умуммазмуни билан чамбарчас боғланиб кетмайдик, бундан рангларни ифодаловчи сўзларга юклатилган алоҳида маъноларни тафаккур қилиш бирмунча мураккаб. Қолаверса, зикр қилинган асарлар форс-тожик адабиётининг меваси бўлганидан улардаги рангларнинг коннотациясини (иккиламчи, учламчи ва ҳоказо маъноларини) илғаб олиш ҳам бирмунча қийинчилик туғдиради. [1, 59]

Алишер Навоий ранглар галареясини шу тарзда изчил тизимга соладик, бу изчиллик асарнинг барча ҳужайраларига таъсир қилиб, бир томондан, ўз маликасини йўқотиб, икки йил давомида бемор ётган Баҳромда соғайиб кетишга умид учқунларини алангалатади. Иккинчи томондан, қолипловчи ҳикояларнинг ҳар бирида ранг билдирувчи сифатлар ҳам бир дору каби Баҳромни даволаб боради. Учинчидан эса, Баҳром руҳиятини тўлақонли очишга хизмат қилади. Ва ниҳоят, маликаларнинг либослари, қасрлар ранги (Низомийда ҳам бор), ичимлигу қадаҳлар жилваси, уйларга тутилган пардалар ранг-туси ҳам қолипловчи ҳикоялар мазмун-руҳига мос



тушади. Айни чоғда, топохронос (макон ва замон) рангининг мутаносиблигини таъминлаб беради. Шунингдек, дostonда етти сайёра ранги билан кунлар, қасрлар, айтимчининг қайси манзилдан келганлиги (масалан, қора қасрда ҳикоя айтган сайёҳ ҳинд (бу сўзнинг қора маъноси ҳам бор), сариқ қасрда ҳикоя айтган сайёҳ румлик (оврўпалик) – овропаликлар сарғиш тусда бўлади ва ҳоказо.) учун танланган ранглар яқинлигидаги маънолар силсиласи дoston ва ундаги етти ҳикоят сюжетининг ишонарли чиқишини таъмин этганини таъкидлаш ўринли бўлади.

Гап аввали, рангларнинг тизмаси ва уларнинг силсиласи ҳақида. Баҳром ҳафтанинг етти кунида етти ҳикоя тинглайди. “Шанба куни учун шу куннинг хомийси Зуҳал (Сатурн) сайёрасининг рангига мос қора қаср, якшанба учун унинг хомийси Қуёш сайёрасининг рангига мос сариқ ранг, душанба учуншу кун хомийси Ой сайёрасининг рангига мос келувчияшил қаср, хомийси Мирриҳ (Марс) бўлган сешанба куни учун Мирриҳ рангини ифодаловчи қизил қаср (шуниси таажжубки, бугунги кун фалакшунослари бу сайёрани “Қизил сайёра” деб атайдилар. Бунинг сабаби шундаки, энг улкан телескоплар ва Марс атрофига учирилган сунъий йўлдошлар унинг ранги қизил эканлигини яқин вақтлар ичида исботлаб, фанга маълум қилган. - М.Х.), чоршанба куни учун унинг хомийси Уторуд (Меркурий) рангига мос мовий қаср, пайшанба учун Муштарий (Юпитер) рангига мос келувчи сандал қаср ва жума учун унинг хомийси Зуҳра (Венера) рангига мос оқ қаср барпо қилинган эди”. [2,140]

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, муаллиф ана шу рангларнинг силсилавий коннотациясини чуқур ҳис этган ҳолда, қорадан оққа қараб поғонама-поғона боради. Ҳатто уларнинг ўрнини алмаштириш ҳам асар марказига қўйилган воқелик ва Баҳром руҳиятини тўлақонли очиб бермаслиги мумкин эди. Навоий Аллоҳ таоло ато этган буюк заковат билан ранглар уйғунлигини бир-бирига пайвандлаб, мунтазамлик, маром ва мувозанатни таъмин эта билган. Зеро ҳар бир рангнинг жилваланиши бутун бир асарга сингдирилган муаммо моҳиятини очишга, ундаги мусибатнинг яхшилик томон силжишига хизмат қила олган. Қора ранг – мусибат. Қора рангни оқ рангга айланиши эса, ўз-ўзидан бўлмайди. Қора ранг бирданига оқ рангга айланиб қолмайди. Тасаввур қилайликки, матокаш қора рангли матони оқ рангга бўямқда. Аввал сариқ, кейин яшил, сўнг қизғиш, сандалиий, яшил, ва ниҳоят, оқ тусга киради. Лекин гап бунда ҳам эмас.

Шоир дастлабки ҳикояда мусибат ва қайғуда дард чекиб ётган Баҳром руҳиятини ифодалаш учун қора рангни танлайди. Зоҳиран қараганда, қора ранг кўпроқ салбий баҳо оттенкасига эга. Лекин бу дегани қора ранг фақат киши ҳаётидаги қайғули ҳолатларни акс эттиради, деган хулосани бермайди. Қора рангнинг ижобий маънолари ҳам мавжуд. Мумтоз шеърятда қўлланиб келинган “қора соч”, “қора кўз”, “қора қош” сингаи бирикмаларда мазкур





бўлган сўз ижобий баҳо бериш вазифасини ўтайди. Булардан ташқари, тасаввуф шеърлятида “қора” сўзининг “сир”, “Аллоҳнинг сиру асрори”, “Аллоҳ маърифатининг сирини” каби маъно қирралари ҳам ижобий маъно англатади. Ижтимоийда “қора” ўзаги (асоси)дан ҳосил бўлган “қорахонийлар”, оғзаки ижодда кўп учрайдиган Авлиёйи Қорахон, Қорахон подшо сингари ижобий тимсоллар, бу сўзнинг “улуғ”, “буюк”, “катта” сингари маънолари, топонимларда кўп учраши (Қоратепа, Қорабулоқ, Қорақамиш каби) шундай хулоса чиқаришга изн беради. Яна шуни кўшимча қилиш даркорки, Навоийгача ҳам “қора” сўзи яқка ҳолда ёхуд кўшма отлар, бирикмалар таркибида нейтрал, ижобий ва баъзан салбий оттенкалар билан ишлатилиб келинган. Б.Бафоевнинг ёзишича, “қора” сўзи М.Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” китобида аллома яшаган даврда “қора” сўзининг қора ранг маъносидаги “қара” [3,46], ҳар бир қора нарса маъносида ҳам “қара”[3, 240] шакли ишлатилганини кўрсатиб ўтган. Шу билан бирга, Хоқоний шоҳлар “Буғро Қара Хақан” [3,III,240] дейилган экан. Ўрхун-Энасой битикларида ҳам шундай. Юсуф Болосўғунийнинг “Қутадғу билиг” ида ҳам хоқон “Тавғоч Улуғ Буғро Қорахон” шаклида келади. Қорахонийлар даврининг яна бир ёдгорлиги “Ҳибат ул-хақойиқ” (Адиб Аҳмад Югнакий) асарида, Лутфий, Гадоий, Сайфи Саройи, Атойи, Саккокий асарларида ҳам бу сўз турли хил маъноларда истифода этилганини кузатиш мумкин [4,187188]. “қора” сўзининг (ва барча ранг-тус билдирувчи сифатларнинг – М.Х.) истеъмол коэффициенти Навоийдан кейин ҳам ўз мавқеини йўқотмаган. Бунга мисол қилиб ушбу фикрни ҳавола этишимиз ҳам мумкин. Сифат сўз туркумини чуқур таҳлил этиб, бу юзасидан “Ҳозиги ўзбек тилида сифат” номли монография битган М.Содиқова ранг-тус билдирувчи сифатлар ҳақида сўз юритар экан “...улардаги муҳим томонлардан яна бири фразеологик ифодалар, мақол-матал, идиома, кўшиқ, топишмоқлар, афоризмлар таркибида жуда кўп қўлланишидир”, деган хулосага келади ва М.Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” романида “қора” сўзи (Қорабулоқ топонимидан ташқари) 163 ўринда келганлигини ҳам кўрсатиб ўтган [5, 9]. Муддаога ўтайлик. Биринчи ҳикоятда шоир қайғуга ғарқ бўлган Баҳромнинг руҳий ҳолатини тасвирлаш ниятида барча воқеа ҳамда ҳодисаларни қора рангга бўяйди. Айни шу ўринда шеърлятда кўпроқ ижобий маънода қўлланиб келинган “қора гесу” (“қора соч”) сўз бирикмаси салбий мазмунда истифода қилинади:

Бошиға солиб ул қора гесу,  
Ҳар туки сою бир қора қайғу. [4, 83]

Айни ўринда Баҳром учун қора ранг мотам ва қайғу нишонаси бўлиб кўзга ташланади. Бироқ бошқалар учун бундай эмас. Шоир буни ушбубайт орқали алоҳида таъкидлаб ўтади:

Қора ранг элга тожи торақдур,  
Ким бу ранг ичрадур – муборақдур. [4, 83]





Барчага маълум бўлган ов воқеаси ва Дилоромдан айрилган кундан эътиборан қора ранг Баҳромнинг қайғули ҳамда мусибатли кунларининг рамзи сифатида намоён бўлади. Аммо дастлабки ҳикоядаги Ахий ҳамда Фарруҳ учун бу ранг ёшлик, соғломлик, бахт-саодат рамзи сифатида воқеликка ўзгача руҳ бағишлайди. Эсланса, Фарруҳ айна қора либос кийиб, дарвешваш юрган кунларнинг бирида тушида кўрган нозанини топади. Жону жаҳонини Фарруҳдан аямаган Ахий ҳам айна қора либос кийиб, қаландар қиёфасида (Фарруҳдан олиб қолган қора либос) Халабга бориб қолади ва Фарруҳдан ўзи кутмаган ажрларни топади. Қисқаси, қора ранг икки дўстга бахту саодат келтиради. Гўёки қора ранг икковининг бахт нишонаси сифатида ҳикоя ғоясини очи беришга хизмат қилади.

Навоий наздида сариқ ранг тиниқлик, бебаҳолик, олижаноблик ва кувонч рамзи эканлиги борасида кўп ёзилган. Сариқ (олтин) ранг туфайли унинг соҳиблари ҳам улуғ мартабаларга эришади. Бироқ олтин рангнинг бир оз ўзгариши кишини шармандалик ва нафрат уйғотувчи рангга айлантиради. Иккинчи ҳикоятда сариқ рангга алдов ва хиёнат аралашгани боис Зайд Заҳҳоб (Зайд заргар) бошидан кўп машаққатлар кечади. Бу ранг Баҳромнинг бетоблигини англатиш учун қўлланган. Беморлик рамзи маъносида шоирнинг кўп шеърларида бу ранг коннототив маънода истифода қилинган:

Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,  
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар. [2, 448]

Байтда истиора вазифасини бажарган “заъфарон” (сариқ) сўзи айна касал, бемор юзининг ранги маъносида ишлатилган. Айна чокда, Рум шохининг саройида рўй бераётган мунофиқлик, ўғрилиқ, бевафолик маъноларини ҳам ифодалаб келади.

Яшил ранг тасаввуфда улуғ ранглардан бири саналади. Шарқ халқларининг тасавурида бу ранг ҳаёт рамзи ҳисобланади, у самовий мавжудотлар билан боғланади. Шунингдек, яшил ранг ўтмиш ва келажакни, умрбоқийликнинг тимсоли вазифасини ҳам бажаради ( Хизр алаҳиссаломни Яшил пайғамбар деб улуғланишининг сабаби ҳам шундан. – М.Х. ). Учинчи ҳикоя яшил қасрда айтилади. Барча ашёлар яшил рангда. Ҳикоят қахрамони Саъднинг курашлар туфайли қўлга киритган бахт-иқболини шоир ана шу ранг воситасида ёритиб беради. Яшил ранг Баҳромда Дилоромни топиш учун умид учкунларини алангалатади.

Кейинги ҳикоят гулгун қасрда айтилади. Гулгун қизил, демакдир. Қизил ранг Баҳром бетоблигининг ҳадди аълоси сифатида намоён бўлади. Сўнги кўк, сандалиий (кўнғирга мойил) ва оқ ранглар Баҳромнинг бетобликдан халос бўлиш даврини ифодалайди. Айна пайтда рангларнинг ёрқинликдан сўна бориши Баҳром ҳаётининг сўнги дамлари яқинлашганини ҳам ифодалашга хизмат қилади [4, 84]. Қизил ранг асос бўлган ҳикоятларда кўнли курашлар олдинги режага чиқса, кўк (мовий) ранг асос бўлган ҳикоятда



эзгулик хийла-найрангу босқинчилик устидан эришилган ғалабани тасвирлаш баробарида бош қахрамонлар Мехр ва Суҳайлинг оталари Навдар ҳамда Нуъмонларнинг вафотлари туфайли кўк (аза) либосини кийганлигига ҳам ишора қилади. Сандал ранги орқали шоир дoston қахрамонлари руҳий ҳолатидаги ноқисликларни ифодалайди. Бу нуқсонлар батамом йўқотилмас экан муаммо муаммолигича қолаверади. Бунинг учун кучли ирода керак. Шоир қахрамонлар руҳиятидаги ўзгаришни, айниқса Баҳромнинг тузалишга бўлган иштиёқ, умид ва қувончининг юзага келишида асосий восита бўлган кучли иродани кўрсатиш учун айна шу рангни танлайди. Навоий яна сандал ранги орқали Баҳромнинг соғайганлигига ишора қилади ҳамда оқ рангга – поклик, софлик, шаффофлик рамзига беради.

Айни шу ранг асос бўлган ҳикоятда Баҳром руҳан ҳам, жисмонан ҳам соғаяди ва Дилоромни топади.

Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий асарда истифода қилинган етти хил рангнинг номини тилга олиш билангина кифояланиб қолмайди. Балки ҳар бир ранг ўз ўрнида шоир ниятини рўёбга чиқаришга тўлақонли хизмат қилади. Тўғрироғи, дostonда рангларнинг бу тарика рамзий хусусиятлар касб этиши, асл маъносидан ташқари коннотатив маъноларда қўлланилиши Шарқ адабиётига хос бўлган бош мезон - зулмаънайликни таъминлаган. Ушбу ҳолат эса мумтоз адабиётда ранг билдирувчи сифатларнинг турли тимсоллар яратиш, уларнинг ўз ва кўчма маъноларидан самарали фойдаланиш, уларнинг гармониясини бера билиш муваффақиятларга олиб бориши мумкинлигини кўрсатиб берганлар.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий, Тўла асарлар тўплами. 10-жилдлик. 7-жилд. – Т.: Тамаддун, 2011.
2. Сирожиддинов Ш., Юсупова Д., Давлатов О. Навоийшунослик. –Т.: Тамаддун, 2018. – Б.132-149.
3. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. I-III томлар. – Т.1963. 4. Бафоев Б. Навоийнинг сўз қўллашдаги маҳоратининг яна бир қирраси. // Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. –Т.: Фан,1993. – Б.184-207.
5. Ҳасанов С. “Сабъаи сайёр”нинг бадииятига доир.// Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. – Т: Фан, 1993. – Б. 67-84.
6. Содиқова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. – Т.: Фан, 1974. – Б.9-10.



## OLIY TA'LIM JARAYONIDA LOYIHALASH METODINI QO'LLASH.

**Sheraliyev Odiljon Shuxratjon o'g'li**  
Qo'qon DPI tadqiqotchi

### **Annotatsiya**

*Ushbu maqolada muallif tomonidan loyihalash metodidan foydalanishning yangi yondashuvini oliy ta'lim muassasasi bitiruvchisining zarur kompetentsiyalari va fazilatlarini shakllantirish usuli sifatida ko'rib chiqilgan, o'quv jarayonida loyiha usulini qo'llash tajribasini tasvirlangan.*

**Kalit so'zlar:** loyiha, loyihalash usuli, loyiha faoliyati, baholashning innovatsion vositasi, elektron axborot-ta'lim muhiti.

Bugungi kunda ta'lim olishning samarali vositalarini izlash va oliy ta'lim darajasida ta'lim jarayonining sifatini oshirish o'qituvchi va murabbiylarni foydalanib kelinayotgan metodlarga boshqacha nuqtai nazardan qarashga majbur etmoqda. Oxirgi yillarda ta'limda foydalanilayotgan metodlar, o'qitish usullari oliy o'quv yurtining ta'lim muhitiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini faol joriy etish orqali salohiyati oshganini ta'kidlab o'tish joiz.

Oliy ta'limning davlat ta'lim standartlarini o'rganish shuni ko'rsatdiki, bitiruvchi talabalar tayyorlanishi kerak bo'lgan faoliyat turlari orasida (ilmiytadqiqot, ishlab chiqarish-texnologik, pedagogik, tashkiliy-boshqaruv, ijtimoiy-pedagogik, axborot-analitik) loyihalashtirish faoliyati ham muhim rol o'ynaydi. [1].

Masalan, bitiruvchilar ega bo'lishi zarur bo'lgan o'z-o'zini boshqarish, o'zo'zini tarbiyalash, elektron kataloglarda va tarmoq resurslarida kerakli ma'lumotlarni topa olish kabi qobiliyatlar to'g'ridan-to'g'ri loyihalarni amalga oshirish jarayonida shakllanadi.[5] Oliy o'quv muassasalari tomonidan o'tkaziladigan bitiruvchilarga bo'lgan talabning monitoringi ham shuni ko'rsatadiki, iqtisodiyotning ma'lum sektorlariga nafaqat professional faoliyatni, balki turli xil loyihalarni ham amalga oshirishga qodir bo'lgan kadrlar talab etiladi. Bitiruvchilarni ishga qabul qilishdagi muhim talablardan biri loyiha shaklidagi konkurs shartlarini muvaffaqiyatli bajarish ekanligi ham bejizga emas.

Loyihalash faoliyati, albatta, O'zbekiston ta'lim tizimi uchun mutlaqo yangilik emas. Odatda, ishlab chiqarish sohasida loyiha tushunchasi zamirida aniq muhandislik va texnik ishlanmalar tushuniladi. Bugungi kunda esa vaziyat o'zgargan: biz gumanitar va ijtimoiy, ijodiy va biznes loyihalari bilan shug'ullanmoqdamiz. Bugungi kunda tashabbuskorlik, ijodkorligi, mustaqil fikrlash va muvaffaqiyat tushunchalari loyihalash faoliyati bilan uzviy bog'liqdir. Shunday qilib, agar bitiruvchilarning kasbiy faoliyatida loyihalashtirish katta o'rin egallasa, ularni bu faoliyatga tayyorlash ham to'g'ri tashkil etilishi kerak. Qisman, bu vazifa





kurs ishlari (loyihalar) va bitiruv malakaviy ishlari yordamida bajariladi. [2] Biz "Ta'lim loyihalari" yoki "Loyihalashtirish asoslari" kabi fanlarning asosiy professional ta'lim dasturlariga kiritilishi loyiha faoliyati asoslarini o'qitish muammolarini muvaffaqiyatli hal qilishi mumkin deb hisoblaymiz. Shu bilan birga, loyihalashtirish o'quv ishlarining shakli va o'quv faoliyati natijalarini baholashning innovatsion vositasi sifatida ham qo'llanilishi mumkin. Loyihalashtirishmetodi bugungi kunda maktab sharoitida keng tarqalgan bo'lib, oliy ta'limda ushbu usul asosan texnologik, telekommunikatsiya va boshqa loyihalarni ishlab chiqishni maqsad qilgan fanlarda foydalaniladi. Shu bilan birga, biz oliy ta'lim bosqichida tashkil etilgan ta'lim loyihalashtirish faoliyati davlat ta'lim standartlari talablaridan biri bo'lgan umummadaniy va kasbiy malakalarni shakllantirishi mumkin deb xisoblaymiz. Oliy ta'lim muassasasida loyihalashtirish metodidan foydalanish samarali bo'ladimi? Ushbu metodni amaliyotda faol qo'llash va uning natijalarini tahlil qilish bu savolga aniq javob berishi mumkin.

Shubhasiz, talabalar turli xil, shu jumladan, ta'limdagi muammolarni ham hal qilish uchun universal qobiliyatga ega bo'ladilar. Albatta, bu foydalanilayotgan metod va texnologiyalarga muqobil emas, balki auditoriyada ham, auditoriyadan tashqari ham samarali qo'llanilishi mumkin bo'lgan qo'shimcha komponentdir. Bu o'quvchilarning mustaqilligini, tanqidiy fikrlashni, olingan bilimlarni amalda qo'llash, jamoada ishlash va jamoaviy qarorlar qabul qilish qobiliyatini rivojlantirish uchun yana bir imkoniyatdir. Loyihalashtirish faoliyati ta'lim oluvchilar uchun muhim maqsadlarga erishishga qaratilganligi va ularga qiziqarli faoliyat uchun kerakli tajriba berishi bilan ham boshqa usullardan ajralib turadi. [3]

Ta'lim amaliyoti bizga turli yo'nalishdagi loyihalarni taklif qiladi, ammo har qanday loyiha, shubhasiz, turli xil ko'nikmalarni shakllantirish vositasidir.

Loyihalash metodi ta'lim oluvchilarni quyidagilarga:

- fanning turli sohalaridagi bilimlarni bir butun holga keltirib, muammolarni topish va yechish, axborotlar oqimida mo'ljal olish;
- faoliyatni tanlash huquqidan foydalanib, turli taxmin, g'oyalarni ilgari stjirish, tadqiqot o'tkazish, tahlil qilish iqtisodiy jihatdan maqsadga muvofiqligini aniqlash;
- o'z faoliyati natijasiga mas'ul bo'lish, mustaqil qaror qabul qilish, yutuqlar va kamchiliklarni aniqlash, uning sabablarini qidirish, xatolarni topish va to'g'rilash;
- turli yechim. takliflarning natijalarini ilmiy taxmin qilish (prognozlash);
- jamoada ishlash, turli nuqtayi nazar, fikrlarning muhokamasida qatnashishga rag'batlantiradi. [4]

Loyihalash metodini qo'llab, dars o'tish jarayonida o'quvchi, talabalarning vazifasi: – iqtisodiy jihatdan maqsadga muvofiq, ijtimoiy ahamiyatga ega ishni bajarish, mahsulot ishlab chiqarish, ilmiy-texnik, iqtisodiy va boshqa muammoni



belgilangan vaqt davomida yechish yoki yechish uchun takliflar ishlab chiqish. O'qituvchining vazifasi: – o'quvchi, talabalarni mustaqil ijodiy faoliyatlarini unumli bo'lishi uchun sharoit yaratish. Bu metodni iqtisodiy fanlarni o'rganishdagi muhim ahamiyati shundaki, talabalar biznes-reja tuzishni, turli tanlovlarda qatnashish uchun loyihalar ishlab chiqishni o'rganadilar. Nazariy va amaliy mashg'ulotlarni qanday tashkil etishning texnologik xaritasini ishlab chiqish, ya'ni darsni qanday o'tkazishni mufassal rejasini ishlab chiqishni, umuman olganda, o'z faoliyatlarini rejalashtirishni o'rganadilar. Shu bilan birga mazkur metodning o'ziga xos xususiyatlari mavjudki, ularni, albatta, hisobga olish zarur. Birinchidan, bu metodni mavzular, alohida predmetlar bo'yicha qo'llash juda qiyin. Chunki, bir muammoning kelib chiqish sabablari nihoyatda xilma-xil. Ularni bir fan doirasida hal qilish qiyin. Ikkinchidan, barcha talabalar ham loyiha tayyorlab, qo'yilgan muammoni yecha olmaydi. Uchinchidan, bu metod o'qituvchidan chuqur bilim, tajriba, o'z ustida tinimsiz ishlash, turli loyihalarda shaxsan qatnashishini talab qiladi. [5]

Loyihalash metodini qo'llash uchun birinchi navbatda loyihalash ob'yektini aniqlaymiz. Qanday masala, muammo mavjudki, uni yechib loyihaning natijasini qanday bo'lishini belgilaymiz.

1. Bu o'tilayotgan mavzu bo'yicha qo'yilgan savol yoki yechimini kutayotgan dolzarb masala bo'lishi mumkin. Loyiha talabalarining o'z xohishlari, qiziqishlariga ko'ra tanlagan ilmiy izlanishlari bo'lishi mumkin yoki o'qituvchi taklif qilishi mumkin. Har ikkala holda ham talabalar zarur axborotlarni to'plashlari, ularni tahlil qilishlari zarur. Tahlil asosida qaror qabul qilib, loyiha ishlab chiqishdan maqsad qo'yiladi va qanday natijaga erishilishi belgilanadi.

2. Maqsadni aniqlagach, loyihaning mazmunini belgilaymiz.

3. Reja asosida amalga oshirish uchun vazifalar belgilanadi, ya'ni faoliyat rejasini ishlab chiqiladi. Loyihaning umumiy tavsifi o'z dinlashadi. Aniq faoliyatga asos yaratiladi. Loyihani amalga oshirish uchun tuzilgan reja aniq bo'lishi, haddan tashqari murakkab bo'lmasligi kerak. Umumiy rejadagi tashqari haftalik va oylik rejalar tuziladiki, uning asosida talaba bajaradigan ishlarni yanada oydinlashtiradi.

4. Loyiha qatnashchilari belgilanadi

Loyiha qatnashchilari o'z qiziqishlari, fikr doiralari bilan bir- birlariga yaqin, yordam beruvchi o'quvchi, talabalar bo'lib, ularni loyihada qo'yilgan maqsad birlashtiradi.

Ularni yoniga keyinchalik boshqa qatnashchilar ham qo'shilishi mumkin. Lekin qatnashchilar haddan tashqari ko'payib ketishi salbiy oqibatlarga olib keladi. Shuning uchun loyihada har bir qatnashuvchining bajaradigan vazifasi aniq yozib qo'yiladi.



5. Loyihani amalga oshirish muddatlari belgilanadi. Agarda u bosqichlarga bo'lsin, uni harr^muddatlari bilan ko'rsatiladi.

6. Loyihalash va uni amalga oshirishning bosqichlari:

**1-bosqich.** Loyihani ishlab chiqish. Unda loyihani amalga oshirish shakllari va vositalari, bosqichma-bosqich natijalari ham ko'rsatiladi.

**2-bosqich.** Loyihada belgilangan vazifalar bajariladi. Bu bosqichda talabalar mustaqil ravishda individual va guruh bo'yicha qo'yilgan vazifalarni bajaradilar. Material, axborot to'playdilar. To'plangan ma'lumotlarni muhokama qiladilar. Jadvallar, grafiklar ishlab chiqadilar. Namoyish etiladigan, illyustrativ materiallar tayyorlashadi.

**3-bosqich.** Loyihaning barcha qatnashchilari tomonidan tayyorlangan ishlar bir butun qilib birlashtiriladi. Avval loyihaning xo'niaki varianti yozib chiqiladi. So'ngra yakuniy variant tayyorlanadi. Rasmiy talablar asosida taxlanadi.

**4-bosqich.** Loyihaning so'nggi varianti ekspertga, taqr ga beriladi. Bunda matn aniq asoslangan bo'lib, bajarilgan ishlarning mazmuni va erishilgan natijalarni gavalantirishi kerak. Matilda, albatta, jadvallar, grafiklar, chizma, dasturlar va boshqa shunga o'xshash materiallar bo'lishi shart.

**5-bosqich.** Ish taqrizga beriladi. Loyihaga ekspert xulosasi olinadi, tashqi taqriz natijasini elon qilingach, lugallangan hisoblanadi.

**6-bosqich.** Loyiha taqdimoti. Taqdimot loyihada bajarilishi belgilangan mezonlar asosida jyiiri yoki komissiya a'zolari tomonidan baholanadi. Jyuri a'zolari tarkibi loyiha ishlab chiqilayotganda aniqlanadi. Tayyorlangan" loyihani ko'rib chiqib, tanlanib, so'ngra tayyorlangan hisobot ko'rib chiqiladi. [4]

Hay'at ishni baholashi uchun baholash mezonlari ishlab chiqiladi. Bu mezonlar muammoni o'rganish darajasi, matnni aniq. tushunarli tarzda bayon qilinishi, o'ziga xosligi, rasmiylashtirish sifati, ko'rgazmali, namoyish materiallardan foydalanilgani, berilgan takliflar va ularni muammoni yechishga yordam berishi va boshqa jihatlarini mujassamlashtirilgan bo'lishi kerak. Dars jarayonida kichik guruhlar tayyorlagan loyihalarni o'qituvchi boshchiligida talabalardan tuzilgan hay'at baholashi mumkin.

Talabalar loyiha ustida ishlash jarayonida olgan bilimlaridan, bilish jarayonida xizmat qiladigan amaliy maslahatlardan foydalanishsa, mustaqil tahliliy fikr yuritishga o'rganadilar. Ularda yangi g'oyalar topish, ijodiy fikrlashga, to'g'ri strategiya tanlash, aniq masala-muammoiarni yechish ko'nikmasi hosil bo'ladi. Bunda o'qituvchi ularning ishini kuzatadi. maslahatlar beradi, qo'llab-quvvatlaydi.

Boshqa hech qaysi metod o'quvchitalabalarda bu metodchalik mas'uliyatni his qilishni shakllantirmaydi, tarbiyalamaydi.

### ***Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:***





1. Azizxo‘jaeva N.N. O‘qituvchi mutaxassisligiga tayyorlash texnologiyasi. – T.: TDPU, 2000. – 52 b.
2. Mahmudov M. O‘quv materialini didaktik loyihalash tizimi. «Pedagogik mahorat», 2002 yil, 3-son, 3-11 betlar.
3. Mahmudov M. Ta’lim natijasini loyihalash. // «Pejagogik mahorat», 2003 yil, 1-son, 8-10 betlar.
4. Oliy pedagogik o‘quv yurtlarining o‘quv jarayoniga pedagogik texnologiyalarni tatbiq etishning ilmiy asoslari. Respublika ilmiy-metodik konferentsiyasining materiallari. – T.: Nizomiy nomidagi TDPU, 2000. 111 b.
5. Farberman B.L., Musina R.G., Jumaboeva F.A. Oliy o‘quv yurtlarida o‘qitishning zamonaviy usullari. T., 2002 yil.
6. Polat E. S. Loyihalash usuli [Elektron resurs].<http://distant.ioso.ru>



## **The importance of studying physics in general and secondary special education institutions.**

**Izbastiyev Azamat Muratbayevich.,**

Nukus State Pedagogical Institute  
named after Ajiniyaz is a 4th year student  
majoring in Physics and Astronomy Teaching  
Methods.

**Annotaciya:** This article discusses the importance of studying physics, which is taught from general and secondary special education institutions.

**Keywords:** Physics, education, nature, engineering, technology.

Yangi O'zbekistonning istiqboli bo'lgan yosh avlodga zamonaviy, sifatli ta'lim-tarbiya berish hozirgi kundagi mamalakatimiz siyosatining asosiy maqsadlaridan biridir. Chunki kelajak avlodga berilgan mukammal ta'lim vatanimizning har tamonlama rivojlanishiga asos bo'lib xizmat qiladi. Shunga asosan Prezidentimizning 2019-yil 29-apreldagi "O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida" gi farmonida O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'lim va maktabdan tashqari ta'limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, o'sib kelayotgan yosh avlodning ta'limiy salohiyatini rivojlantirishni sifat jihatdan yangi darajaga ko'tarish, o'quv-tarbiya jarayoniga ta'limning innovacion shakllari va usullarini joriy etish maqsad qilingan.

Bunda albatta ta'lim oluvchi yoshlarga o'rganilayotgan predmetning chunonchi, fizika darsining ahamiyati haqida kengdan tushuncha berib o'tish, ularga kelajak kasblarini to'g'ri tanlashga, qiziqishini ortirishga, tabiat qonunlarini tushunishga va undan to'g'ri foydalanishga, zamonaviy texnologiyalar bilan ishlashni o'rganishga turtki bo'ladi. Hozirgi texnika va texnologiya sohaları rivojlanayotgan bir davrda texnika fanlari qatoriga kiradigan fizika fanini o'rganish zamon talabidir. Fizika fani sanoat, qishloq xo'jaligi, medicina, transport, arxitektura, qurilish va shu kabi ko'plab sohalarining rivojlanishiga asosdir. Shundan ko'rinib turibdiki ta'lim oluvchilarning fizika fanini o'rganishi kelajak kasblarining mohir ustasi bo'lishiga bundan tashqari uy-ro'zg'or buyumlarining (televizor, muzlatgich, telefon va boshqalar) ishlash faoliyati haqida bilimga ega bo'lishiga zamin yaratadi

Fizika fanini o'rganish bizga nima beradi? Degan savolga biz quyidagicha bir qancha javoblarni bersak bo'ladi:

Olam haqida keng ma'noda umumiy tushunchaga ega bo'ladi;



Tabiat qonunlaridan oqilona foydalanishga o'rgatadi; Zamonaviy texnikalarning ishlash principlarini o'rgatadi;  
Fizika fanidagi masalalar bilan ishlash, mantiqiy, ijodiy fikrlash qobiliyatini rivojlantiradi;

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

- 1.M. Djoraev. Fizika o'qitish metodikasi. Toshkent.TDPU. 2013y.
- 2.L. V. Golish, D. M. Fayzullaeva Pedagogik texnologiyalarni loyihalashtirish va rejalashtirish. Innovatsion ta'lim texnologiyalar markazi. Toshkent. TDIU. 2010 y.
- 3.O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi tizimini 2030- yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi.
- 4.<https://lex.uz>
- 5.<https://hozir.org>





## **THE FIGHT AGAINST CORRUPTION IN HISTORY APPEARANCES AND THEIR SIGNIFICANCE**

**Yahshilikov Juraboy Yahshilikovich**  
Professor of Philosophy and National  
Ideology, Samarkand State University  
**Khidirov Khoshim Ibodullaevich.**

Teacher of "Social  
Sciences" department of Jizzakh  
Polytechnic

Institute

**Nomozov Odiljon**

A student of Jizzakh Polytechnic  
Institute is a senior lecturer at the  
Department of Social Sciences

**Annotation:** This article provides insights into how corruption has originated in history and what methods kings have used to combat it.

**Keywords:** state, bribe, material value, Uruinimgina, Lagash city-state, "Artha-shastra", Bharat, etc.

The historical roots of corruption seem to go back to the habit of giving gifts to arouse a tendency in someone. The precious gift distinguished the man among the other beggars and served to fulfill his request. For this reason, in primitive societies it became customary to pay a priest or tribal chief. With the complexity of the state apparatus and the strengthening of the central government, professional officials emerged who, in the opinion of the rulers, had to be content with only a fixed salary. In practice, however, these officials sought to use their position to increase revenue concealment. Only Uruinim, who is remembered as a ruler who fought corruption, is the Sumerian king of the city-state of Lagash in the second half of the 24th century BC. Despite exemplary and often brutal punishments for corruption, the fight against it has not yielded the expected results. At best, dangerous crimes were prevented, but at the level of petty shortages and bribery, corruption was widespread. The first work to discuss corruption - Artha-shastra - was published in the 4th century BC by one of the ministers of Bharat (India) under the pseudonym Kautilya. In it, the author concludes that "the king's property, even in small quantities, cannot be appropriated by those who govern it."

According to historical records, the fight against corruption first began in the XXIV century BC in the city-state of Mesopotamia called Lagash, but, unfortunately, all efforts were in vain. There have been many fights against corruption in recent times, but they have failed.



In the history of mankind, the ways and legal basis for ending corruption have been created in India. Written 2,500 years ago, Arthashastra or the Science of Politics was devoted to the subject of public administration and management, and was born as the political and economic encyclopedia of the time. This work can also be considered as the legal basis for the formation, management and development of the state. The name of the Brahman Kautila (he is also known as Chanakya) is mentioned as the author of the book. Section 26 of the Arthashastra is dedicated to corruption. In the section, corruption is explained by the phrase "appropriation": "Appropriation of the king's personal or other property is appropriation. In this case, it is necessary to impose the death penalty for the misappropriation of high-value items, to collect them for the misappropriation of medium-priced items, to impose penalties for the misappropriation of low-value property. The Arthashastra classifies forty types of bribery. It is said that the official in charge of preventing corruption should periodically address public gatherings and markets as follows: "If there are any victims, let us know."

Similar problems were faced by the ancient Egyptian pharaohs, who created a bureaucratic apparatus of officials who used arbitrariness and violence against free peasants, artisans, and even military nobles, and who committed atrocities. Itaxotel, who has survived to the present day, advises in his sermons: "Bow your head to the chief, and your house will be in order, and your wages will be in order. it will be easier to live. " The betrayal of judges was of particular concern, as it led to the illegal distribution of property and the resolution of disputes outside the jurisdiction. It is no coincidence that among all forms of corruption in all religions, bribery of judges is not condemned in the first place: "Do not accept gifts, for gifts blind the blind and change the work of the righteous." - Exodus 23: 8, Deuteronomy 16:19; "Do not misappropriate one another's property, and do not bribe the judges with the intention of deliberately seizing a portion of other people's property" (Qur'an, 2:18) and so on. In ancient Roman law, the term "corrumpere" began to be used to mean "bribery of a judge" and "bribery of a judge": do you think?) ».

The earliest evidence of corruption is found in ancient Babylonian cuneiform. According to translated texts from the 3rd millennium BC, the Sumerian king Urukagin was faced with the problem of fighting judges and officials who illegally demanded monetary rewards. He remained the first person in history to fight corruption, implementing state reforms to prevent abuse of the horn administration, to reduce and simplify fees for judges, horn building staff, ceremonies, and to impose severe penalties for bribery of officials.

Similarly, on the orders of the Persian king Cambyses, the new judge sat on a leather-covered chair of a judge accused of bribery before him.

Cicero's speech in the 70s BC in the Roman Senate against the governor of Sicily, who was greedy by the population and embraced cultural heritage, is very famous. The famous speaker had a moral right to accuse him. Cicero himself was



governor of Sicily from 51 to 50 BC, and is known for his honesty and legitimate income during his tenure.

Gay Julius Caesar, on the other hand, was able to impose severe penalties on officials for bribery and giving gifts. For example, mayors are prohibited from accepting gold wreaths from lower cities. Caesar expressed his strict attitude to all forms of flattery. He saw a "half-god" inscription on a statue dedicated to Caesar and presented by the senate, and ordered it to be removed from view.

The sources of the history of our country up to the VII century have not reached us completely. According to the surviving sources, in the ancient Qang state, "Turkish law" was in force and was kept in the temple. At the time of sentencing, the law was seized and a sentence imposed accordingly. The whole seed for serious crimes, and for lesser ones, the perpetrator himself was executed. His leg was amputated for theft. Based on this information, many historical works provide information about a special set of laws "Crime and Punishment" during the Turkish Khanate. But this statute has not reached us in full or has not yet been found. So it's hard to think about its full content.

Corruption can be included in the list of the most dangerous and negative phenomena that penetrate into all spheres of social life, it threatens national security, the consequences of which are felt in any state, regardless of its power structure and culture. It is not possible for any state to completely eradicate corruption, but its influence in society can be reduced.

#### REFERENCES

1. Ibodullaevich, K. K., & Bahromovna, T. D. (2020). CORRUPTION: CONCEPT, GENESIS, EVOLUTION AND SURVIVAL TRENDS. INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 1(5), 409-413.
2. Ibodullaevich, K. K., & Kizi, U. G. K. (2021). Types, forms of corruption, causes and consequences. Scientific progress, 1(4).
3. Khidirov, K. I., Ortikov, O. K., Yodgorov, Z. S., & Ernazarov, A. A. (2015). Military management and army structure of Sheybanids. In The Fourth International conference on development of historical and political sciences in Eurasia (pp. 8-11).
4. Хидиров, Х. И., Қаюмов, А., & Рашидова, Р. (2021). КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БОРАСИДАГИ ФАЛСАФИЙ ПАРАДИГМАЛАР. Scientific progress, 1(4).
5. Ibodullaevich, K. K., & Bahromovich, T. S. (2021). THE ROLE AND ROLE OF PUBLIC CONTROL IN THE FIGHT AGAINST CORRUPTION. International Engineering Journal For Research & Development, 6(ISPCIEI), 4-4.





6. Raximova, D., & Khidirov, K. (2021). IN MANAGING THE EDUCATIONAL PROCESS MANAGEMENT RESPONSIBILITY. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFICMETHODICAL JOURNAL, 332-336.
7. Ibodullaevich, K. K., & Abdullaevna, F. K. (2021). THE IMPORTANCE OF" TEMUR TRAINS" IN THE FIGHT AGAINST CORRUPTION. International Engineering Journal For Research & Development, 6(ISPCIEI), 6-6.
8. Ibodullaevich, K. K. (2021). Islam in the fight against corruption the role and role of religion. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(3), 1883-1887.
9. Khidirov, K. I., & Gofurova, S. S. (2021). THE UNITED KINGDOM HAS A SPECIAL TEXTBOOK FOR DETECTING FACTS OF CORRUPTION. Scientific progress, 2(1), 121-124.
Saylov tizimining majoritar, proporsional va aralash turlari jahon mamlakatlarning davlat qurilishi tajribasida keng qo'llaniladi. Shunday qilib, majoritar saylov tizimi - vakillik organlariga saylovlarda ovoz berish natijasini aniqlash usuli. Ya'nikim, bunda qonun bilan belgilangan tartibda ko'pchilik ovozni olgan nomzod muayyan okrugda saylangan deyiladi. Bundan tashqari, Konstitutsiyaviy huquqiga ko'ra, mutlaq va malakali ko'pchilik ovoziga asoslangan majoritar saylov tizimlariga tayanadi. Misol tariqasida, AQSH, Buyuk Britaniya, Hindiston, Meksika va bir qator mamlakatlarda mutlaq yoki ko'pchilik ovoziga asoslangan majoritar tizim asosida haqiqiy deb topilgan ovozlarning umumiy soni bo'yicha (ya'ni 50% +1 ta ovoz) olgan nomzod saylangan deyiladi. Mabodo, nomzodlardan birontasi ham yetarlicha ovoz olmasa, natijada saylov qayta ovoz berish o'tkaziladi. Ya'nikim, nomzodlar ro'yxatida nisbatan ko'p ovoz olgan 2 ta nomzod qoldiriladi.

Ma'lumki, O'zbekiston Respublikasining konstitutsiyasi va saylov to'g'risidagi tegishli qonunlar bilan saylov tizimi tartibga solinadi. Bunda asosan, yurtimizda majoritar saylov tizimi asosida saylovlar o'tkazilib, natijalar aniqlanadi. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi deputatligiga nomzod saylov okrugi bo'yicha ovoz berishda ishtirok etgan saylovchilarning yarmidan ko'pining ovozini olishi lozim. Masalan, saylovchilarning ro'yxatiga kiritilganlarning yarmidan kami saylovda ishtirok etsa, saylov bo'lmagan deb hisoblanadi. Qonunga ko'ra, O'zbekiston Respublikasida Prezident saylovi, hokimiyatning vakillik organlari saylovi umumiy, teng, to'g'ridan-to'g'ri saylov huquqi asosida yashirin ovoz berish yo'li bilan o'tkaziladi. Ya'ni, O'zbekiston Respublikasining 18 yoshga to'lgan fuqarolari saylash huquqiga egadirlar.

Xo'sh, sira o'ylab ko'rganmisiz, sizningcha saylov insonlarga nima uchun kerak, savolni to'g'riroq beradigan bo'lsak demokratik jamiyatda saylovning o'zni



qanday? Barchaga ma'lumki, demokratiya bu teng huquqli insonlar guruhidir, shunday ekan har bir saylovchining saylovda qatnashishi ham, ularga ovoz berish yoki bermaslik ham teng huquqli va ixtiyoriydir. Eng asosiysi esa hech qanday korrupsiya va boshqa illatlardan holi bo'lishi zarurdir. Har bir o'z mamlakati, farzandlari taqdiriga befarq bo'lmagan inson, o'z fuqarolik pozitsiyasiga ega bo'lgan holatda saylovda ishtirok etiahi kerak.

2021-yil 24 -oktyabrda mamlakatimizda bo'lib o'tadigan muhim ijtimoiysiyosiy voqealardan biri — O'zbekiston Respublikasi Prezidenti saylovi. Shuningdek, O'zbekiston, balki butun Markaziy Osiyo mintaqasining yaqin va uzoq muddatli istiqbolda yana-da barqaror rivojlanishi uchun ulkan ahamiyatga egadir. Oxirgi yillar davomida demokratik, tashqi dunyo uchun ochiq va raqobatbardosh yangi O'zbekistonni qurish doirasida fuqarolarning vakillik organlariga saylash hamda saylanish bo'yicha konstitutsiyaviy huquqlarini ta'minlash sohasida keng qamrovli ishlar amalga oshirildi. Demokratik huquqiy davlatning ajralmas belgisi bo'lgan umumiy, teng, to'g'ridan-to'g'ri, yashirin ovoz berish tamoyillariga tayangan holda saylov huquqini ta'minlash, saylovlarni erkin va adolatli, ochiq hamda oshkora o'tkazishga oid huquqiy asoslarini mustahkamlashga, jumladan, zamonaviy demokratik saylov tizimini rivojlantirishga qaratilgan izchil choralar ko'rildi. Shu bilan birgalikda, O'zbekiston saylov qonunchiligi shu davrgacha bo'lib o'tgan saylovlar davomida to'plangan milliy tajriba, ilg'or xorijiy saylov amaliyoti, shuningdek, xalqaro standartlar, fuqarolarning siyosiy ongi hamda elektoral madaniyatining o'sishi, amalga oshirilayotgan demokratik islohotlarning borishi va talablarini hisobga olgan holda jadal takomillashib bormoqda.

Shunday qilib, Saylov kodeksining qabul qilinishi, shuni bildiradiki, yangi O'zbekistonni demokratlashtirish va liberallashtirish, pluralizmni qo'llabquvvatlash hamda ko'p partiyaviylik yo'lidan barqaror rivojlanish ifodasi sifatida namoyon bo'ldi. Eng muhimi, milliy saylov qonunchiligida parlamentning kamida bitta palatasi a'zolarini to'g'ridan-to'g'ri saylashni nazarda tutuvchi saylovlar to'g'risidagi xalqaro hujjatlarning asosiy qoidalari o'z aksini saylov kodeksining eng muhim xususiyatlaridandir.. Qonunchilik palatasidagi deputatlik o'rinlari sonini saqlab qolgan holda (150 o'rin), parlament quyi palatasi uchun O'zbekiston Ekologik harakatidan deputatlikka nomzodlarni ko'rsatish va saylash talablari qonunchilikdan chiqarib tashlandi. Shu jumladan, saylovchilarga saylovlarda bir nechta partiyalarning ishtirok etishini qo'llab-quvvatlash imkoniyati berildi — saylovchilar bir yoki bir nechta siyosiy partiyalarni qo'llab-quvvatlab imzo qo'yish huquqiga ega ekanligi belgilandi hamda siyosiy partiyalar Prezidentlikka va Qonunchilik palatasi deputatligiga nomzod ko'rsatish huquqiga ega ekanligi qonuniy ravishda belgilab qo'yildi. Shu bilan birga, siyosiy partiyalar o'z partiyasi a'zolarini yoki partiyasizlarni nomzod sifatida ko'rsatish huquqiga ham egadir.

Shu bilan birga, katta jamoat xavfini tug'dirmaydigan va uncha og'ir bo'lmagan jinoyatlarni sodir etgani uchun ozodlikdan mahrum qilish joylarida





jazoni o'tayotgan shaxslarning saylovlarda ishtirokini cheklovchi qoida chiqarib tashlandi. Faktlarga asoslangan holda aytadigan bo'lsam, saylovlarning ochiqligi va demokratikligini ta'minlashda siyosiy partiyalardan kuzatuvchilar roli kuchaytirildi. Ular ovozlarni sanash natijalari bo'yicha saylov komissiyasining bayonnomasi tuzilgach, saylov natijalari to'g'risidagi hujjatlarning ko'chirma nusxalarini darhol olishi mumkin. Saylov komissiyalari tomonidan jismoniy va yuridik shaxslarning saylovlarni tashkil etish, o'tkazish hamda uning natijalarini chiqarishga oid murojaatlarini ko'rib chiqish tartibi takomillashtirildi. Shu qatorida, nomzod yoki kuzatuvchi saylov jarayonining har qanday jihati (shu jumladan, qayta hisoblashni talab qilish yoki saylov natijalarini bekor qilish) to'g'risida shikoyat qilish huquqiga ega. Shuningdek, Saylov kodeksida siyosiy partiyalar va ularning nomzodlari tomonidan olib borilayotgan tashviqot turlari, shakllari hamda usullari aniq belgilab qo'yildi.

Yana bir yaxshi tomonlaridan biri kuzatuvchilar, partiyalarning vakolatli vakillari va ommaviy axborot vositalariga alohida e'tibor berilgan. Saylov kodeksi yuqoridagi saylov jarayoni ishtirokchilarining huquqlari doirasini belgilab qo'ydi. Ularning ishtiroki tufayli saylov jarayonining shaffofligi ta'minlanadi. Saylov komissiyasining majlislarida siyosiy partiyalar, ommaviy axborot vositalari vakillari, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari, xorijiy davlatlar va xalqaro tashkilotlarning kuzatuvchilari ishtirok etishlari mumkin. Saylov komissiyalarining yig'ilishlari ochiq o'tkaziladi. Saylov komissiyalarining qarorlari ommaviy axborot vositalarida e'lon qilinadi yoki Saylov kodeksida belgilangan tartibda hammaga ma'lum qilinadi.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, saylovchilar — fuqarolarning doimiy va vaqtincha yashash joylari to'g'risidagi ma'lumotlarni o'z ichiga olgan davlat axborot resursi bo'lgan O'zbekiston Respublikasining yagona elektron saylovchilar ro'yxati yaratilishi nazarda tutilgan. Bunda tizimga raqamli texnologiyalar qo'shilishi natijasida rivojlanish va zamonaviylashish, eng muhimi esa bu ham saylovlarning adolatli bo'lishiga albatta hissasiga ega. Tizimga samara olib kiradi deb aytish mumkin. Saylov jarayonidagi har bir yangilik muhim ahamiyatga ega. Boisi saylovlar mamlakat taqdiriga, xalq hayotining yaxshilanishi, iqtisodiyot o'sishi umuman olganda jamiyat taqdiriga uzviy bevosita bog'liq jarayon hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda, yangi O'zbekistonda saylov qonunchiligi va amaliyotini demokratlashtirishning uch bosqichi jamiyatimizning siyosiy, iqtisodiy, huquqiy, ijtimoiy hamda ma'naviy yangilanishi va mamlakatni modernizatsiya qilishning keng ko'lamliligi hamda dinamik jarayonlari bilan birgalikda, haqiqiy ko'p partiyaviylik tizimini yuqori darajada rivojlantirish hamda mustahkamlashga. Mamlakatda sog'lom partiyalararo raqobat va barcha partiyalarga saylov kompaniyasini o'tkazish uchun teng shart-sharoitlar yaratilgan hamda saylovga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish uchun ajratilgan byudjet mablag'larini adolatli taqsimlash, ovoz berishning halol va qonuniy bo'lishini ta'minlash yuzasidan zarur



choralar ko'rilgan. Boshqacha aytganda, navbatdagi Prezident saylovi ko'p partiyaviylik, nomzodlar raqobati, ochiqlik, fikr erkinligi va -chinakam tanlov sharoitida o'tkaziladi, deb ta'kidlash uchun barcha asoslar mavjud. Bu borada barcha saylovchilardan faol fuqarolik pozitsiyasiga ega bo'lishlari va saylov jarayonini, nomzodlarning dasturlari bilan yaxshilab tanishib chiqishlari kerak bo'ladi. Bu borada barcha saylovchilardan faol fuqarolik pozitsiyasiga ega bo'lishlari va saylov jarayonini, nomzodlarning dasturlari bilan yaxshilab tanishib chiqishlari kerak bo'ladi. Saylovlarning ahamiyati xalq va mamlakat taqdirida muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. Bu borada qilinayotgan yangi va innovatsion islohotlar har doim bizning diqqat e'tiborimizda bo'lishi va eng muhimi, har bir saylovchi o'z pozitsiyasiga ega bo'lishi zarur. Shundagina yangi saylovlar va tizimdagi yangiliklar ham o'z samarasini beradi. Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. <http://uzbekistan-geneva.ch/saylov-tizimi-o-zbekiston-va-xorijiy-mamlakatlar-tajribasi.html>
2. "Xalq so'zi" "Saylov — 2021": saylov qonunchiligining rivojlanish bosqichlari 10 Iyun 2021 <https://xs.uz/uz/post/cajlov-2021-sajlovqonunchiligining-rivozhlanish-bosqichlari>
3. <https://www.saylov.uz/uz>
4. <https://qomus.info/oz/encyclopedia/s/saylov-tizimi/>
5. O'zbekiston Respublikasining saylov kodeksi 2019-y <https://lex.uz/docs/4386848>
6. <https://www.trt.net.tr/uzbek/turk-dunyosi/2019/12/23/yangi-ozbekistonning-yangi-saylovida-13-milliondan-ortiq-saylovchi-ishtirok-etdi1327908>



## O'ZBEK TILINI O'QITISHDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR

**Qodirova Nigora Mukumjanovna**  
Andijon viloyati Jalaquduq tumani  
19-umumta'lim  
maktabi o'zbek tili  
o'qituvchisi

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada ta'lim jarayonidagi zamonaviy yondashuvlar, ilg'or pedagogik texnologiyalar, interfaol, innovatsion usullardan, kommunikativ-axborot vositalaridan foydalanish, darslarni zamonaviy texnik vositalar yordamida tashkil qilish haqida ma'lumotlar keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** Ta'lim-tarbiya, pedagogika, texnologiya, faoliyat, ona-tili, ijodiy fikr, nutq.

**Аннотация:** В статье представлена информация о современных подходах к образовательному процессу, передовых педагогических технологиях, использовании интерактивных, инновационных методов, коммуникативных медиа, организации уроков с использованием современных технических средств.

**Ключевые слова:** Образование, педагогика, технология, деятельность, родной язык, творческое мышление, речь.

**Abstract:** This article provides information on modern approaches to the educational process, advanced pedagogical technologies, the use of interactive, innovative methods, communicative media, the organization of lessons using modern technical means.

**Key words:** Education, pedagogy, technology, activity, mother, tongue, creative thinking, speech.

Ma'lumki, o'qitish (ta'lim berish) jarayoni – bu o'quvchining ma'naviy va aqliy qobiliyatlarni tizimli rivojlantirib borish, bilim va tushunchalarni shakllantirish hamda olingan bilimlardan foydalana olish qobiliyatini tarkib toptirishdan iborat jarayon hisoblanadi. Hozirgi axborot asri davrida yurtimiz ta'lim tizimini isloh qilish va takomillashtirish ustuvor vazifalardan biridir. Bu esa yuqori malakali mutaxassislar zimmasiga tegishli o'quv fanlari bo'yicha o'quv adabiyotlarini hozirgi davr talabi va ilm-fanning so'nggi yutuqlarini hisobga olgan holda yangilab borish, ta'lim jarayoniga kreativlik, innovatsiya va ta'lim texnologiyalarini joriy etishni talab qilmoqda.

Ta'lim sohasida tub islohatlar amalga oshirilayotgan bugungi kunda ta'lim shakli va mazmuniga qo'yilayotgan talab butunlay o'zgardi. Shuningdek, o'qitish jarayonida kreativ kompetentlikni rivojlantirish uslublarini ishlab chiqish davr talabi hisoblanadi. O'quvchilarning kreativ kompetentligini o'stirishning o'ziga xos xususiyati shundan iboratki, ular boshqa qobiliyatlar singari faoliyat davrida rivojlanadi. Demak, bu muammoni hal etishda o'qituvchining asosiy vazifasi ona tili fanini o'qitish jarayonida o'quvchilarning kreativ kompetentlikni rivojlantirish faoliyatini tashkil etish shakllari, yo'l va vositalarini qidirish hisoblanadi.





Ona tilimiz respublikamizda nafaqat muomala, aloqa vositasi, balki ilmiy, badiiy, rasmiy til sifatida ham keng miqyosda qo'llana boshladi. O'zbek tilini o'rganish, o'qish-o'qitish, ilmiy, badiiy asarlarni, o'quv adabiyotlarni o'zbek tilida chop etish keng yo'lga qo'yildi. Bir so'z bilan aytganda, ona tilimiz "mustaqil davlatimizning bayrog'i, gerbi, madhiyasi, Konstitutsiyasi qatorida turadigan, qonun yo'li bilan himoya qilinadigan muqaddas timsollaridan biri"ga aylandi. Ona tili farzandlarimizga nafaqat o'qish-yozishni, balki yuqori nutq madaniyatini, ijodkorlik va suxandonlikni egallash, ilm-fanning turli sohalarini amaliy egallash va turli sohalarda ixtirolar qilish imkoniyatini ochib beruvchi sirli kalitlarga ega bo'lish huquqini beruvchi ulkan xazinadir. Ona tili ayni vaqtda milliy ma'naviyat va mafkura, madaniyat va qadriyatlarimizning, milliy tafakkurni shakllantiruvchi eng asosiy vosita hamdir.

Hozirgi kunda o'zbek tili respublikamizning davlat tili sifatida uzluksiz ta'lim tizimining barcha asosiy bosqichlarida asosiy fan sifatida o'qitiladi.

Ma'lumki, til bu - insonlarning kundalik hayotdagi asosiy aloqa vositasi. Uning vositasida insonlar bir-birlari bilan muloqotda bo'lib, o'zlarining holahvollari, kayfiyat, histuyg'ulari va hokazolar haqida ma'lumot almashadilar. Xursandchiliklarini o'z yaqinlari bilan bo'lishib, mahzun chog'larida kishining daldasiga muhtoj bo'ladilar. Til shunday bir mo'jizaki, uning sehri bilan mehrga tashna qalb chanqog'i qonishi, rishtalar yaqinlashishi, munosabatlar iliqlashishi mumkin. Ammo uning zahri bilan, qalb oynasi sinishi, kulfat-u balolar kishi boshidan nari ketmasligi mumkin. Til xususida ajdodlarimiz, yetuk mutafakkir-u allomalarimiz o'zlarining juda ko'p qarashlari, fikrlari, pand-u nasihatlarini bizga adabiy meros sifatida qoldirganlar. Til nafaqat insonni, balki kishilik jamiyatini ham barpo etgan, uning taraqqiyotiga sabab bo'lgan va hozirgi kunda ham turli mamlakatlarni bir-biriga bog'lab turgan buyuk ne'mat, qudratli kuchdir. Shuning uchun tillarni o'rganish, til ta'limining eng samarali intensiv metodlarini ishlab chiqish masalalariga hamisha katta e'tibor qaratib kelingan, til o'qitish metodlari muntazam takomillashtirib borilgan.

Ilg'or pedagogik texnologiyaga asoslangan dars turlari til ta'limi samaradorligini oshiribgina qolmay, uning tarkibiy qismiga aylanib bormoqda. Dars mashg'ulotlarini rang-barang zamonaviy texnik vositalar ishtirokida tashkil qila olgan o'qituvchi qisqa vaqtda o'quvchilarning egallagan bilimi, do'stlariga munosabati, muomala madaniyati, fikr doirasi, so'z boyligi, nutqiy salohiyati haqida aniq tasavvurga ega bo'ladi, natijada o'quvchi va o'qituvchi o'rtasida teng, do'stona munosabat qaror topishiga sharoit yaratiladi. O'quvchi darsda o'zini erkin his qiladi, mashg'ulotlarga qiziqishi, so'z san'ati bilan shug'ullanishga, ijodga rag'batlari ortadi.

Demak, ta'lim jarayonida ilg'or pedagogik texnologiyalarni joriy etish, darslarda kommunikativ-nutqiy tamoyilni tadbiiq etish, texnik vositalar: audiovideo apparatlar, o'quv videofilmlaridan foydalanish, o'qituvchilarga darslarini texnik vositalar bilan to'liq ta'minlangan auditoriyalarda o'tkazish uchun to'liq shart-



sharoit yaratish zarur. Biroq barcha o'zbek tili o'qituvchilarining ilmiy salohiyatini yuqori darajada deb bo'lmaydi. Bugungi kun o'qituvchisi uchun o'z sohasi bo'yicha chuqur nazariy bilimga ega bo'lishning o'zi yetarli emas, u zamonaviy ta'lim shakllari, innovasion va axborot texnologiyalaridan foydalana oladigan, muammolarni aniqlashga, g'oyalarni regeneratsiya qilishga, qarorlarni qabul qilishga qodir, pedagogik boshqarish uslublari va vositalarini yaxshi biladigan mutaxassis bo'lishi ham kerak.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. –Toshkent: Ma'naviyat, 2008.
2. Ishmuhamedov R., Abduqodirov A., Pardayev A. Ta'limda innovasion texnologiyalar (ta'lim muassasalari pedagog-o'qituvchilari uchun amaliy tavsiyalar). – T.: “Iste'dod” jamg'armasi, 2008.



## MANAGEMENT ELEMENTS OF FINANCIAL ASSETS

**Zaynutdinov Ismoil Samariddin ugli**  
**Tashkent State University of Economics,**  
**independent seeker**  
[i.zaynutdinov@tsue.uz](mailto:i.zaynutdinov@tsue.uz)  
[+998942270000](tel:+998942270000)

Comparing credit instruments as an alternative to investing in real and financial assets, investors note that if they buy company securities, the latter will use the funds raised in this way to pay for real assets such as factories, equipment, technology or inventories<sup>1</sup>. Hence, the source of income for the holders of securities is, ultimately, the profit generated by the use of real assets acquired at the expense of the proceeds from the issue of these securities. Here, the right to generate income for securities holders is expressed in context. Therefore, it cannot be ruled out that the increase or decrease in the value of the financial assets we purchase depends, ultimately, on the performance of the real assets.

Empirical methods were also used, such as logical and comparative methods of analysis, generalization, grouping, comparative analysis, statistical analysis, prospective forecasting, and other methods.


Financial assets intended for trading. This category of financial assets is a financial asset formed by short-term current investments without an investment description. Such assets are short-term financial assets formed for the purpose of earning temporary cash flows through arbitrage transactions at the expense of exchange differences. At the initial stage of recognizing these assets as financial assets, they are recognized as part of the portfolio. It may also include derivative instruments (including derivatives) as financial guarantee agreements or effective hedging instruments. Therefore, these financial assets are not recognized as primary investment instruments.

Financial assets in the form of hold-to-maturity investments are financial assets that do not provide for speculative income from arbitrage transactions and are acquired for strategic purposes. These financial assets are primarily long-term financial assets and are intended to be used in management or to generate a steady income (in the form of interest or dividends) through their acquisition.

---

<sup>1</sup> Gershman, John and Jonathan Morduch, 2015, "Credit Is Not a Right", in *Microfinance, Rights and Global Justice*, Tom Sorell and Luis Cabrera (eds.), Cambridge: Cambridge University Press, 14–26.  
doi:10.1017/CBO9781316275634.002.





**Figure 1. Comparative analysis of financial assets and management methods<sup>2</sup>.**

As can be seen from Figure 1, financial assets can be recognized as part of any group, depending on the financial intentions of the enterprises and the financial portfolio formation policy.

An International Financial Reporting Standard defines whether financial assets or financial liabilities measured at fair value through profit or loss are financial assets or financial liabilities that meet one of the following conditions.<sup>3</sup>

Loans and receivables are one of the main instruments of corporate credit policy. These financial assets are the main tool for organizing trade relations with counterparties on a credit basis.

Financial assets (including loans, receivables, investments in debt instruments and deposits in banks) that are fixed in accordance with International Financial

<sup>2</sup> Developed by the author.

<sup>3</sup> See International Financial Reporting Standards (IAS) 39 «Financial Instruments: Recognition and Assessment», 4 p..



Reporting Standards<sup>4</sup> or that do not have any derivative characteristics based on payments over time may be considered loans and receivables. However, a financial asset quoted in an active market (e.g., quoted debt instruments) is not classified as debt or receivable. Financial assets that do not meet the definition of loans and receivables may be classified as held-to-maturity investments if they meet the conditions of this classification.

Upon initial recognition of a financial asset classified as a loan or receivable, an entity may designate it as a financial asset measured at fair value through profit or loss or available for sale.

Cash flow forecasting is also necessary in developing a business plan, justifying investment projects and required loans.

Given the first checkpoint, the entity must consider two opposing situations: – maintain current solvency at the required level; – get additional benefits from investing free funds.

Hence, optimization of the functional elements of financial asset management ensures overall development in the commonality of target indicators such as ensuring financial stability and increasing profitability.

Like other objects of financial management, the main role in the management of financial assets depends on ensuring their balance in terms of types, volumes, time intervals and other important features. Only the end result of effective management of financial assets in the joint of these functions will ensure the liquidity and solvency of the enterprise.

---

<sup>4</sup> Look at here



## **XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ПИЛЛАЧИЛИК РИВОЖИНИНГ АРХИВ МАЪЛУМОТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ**

**Жонибек БЎТАЕВ,**

*Ўзбекистон Миллий университети*

*Манбашунослик ва*

*архивишунослик кафедраси*

*таьянч докторанти*

*E-mail: [mr.butayev@mail.ru](mailto:mr.butayev@mail.ru)*

**Аннотация.** Россия империяси томонидан Бухоро амирлиги протекторатга айлантирилиб, Зарафшон водийси бўйлари тортиб олинди ва алоҳида Зарафшон округи маъмурий бирлиги тузилди. Округда асрлар давомида шаклланиб келган иқтисодий тизими ўзгаришларга учради. Мақолада 1868-1917 йилларда Самарқанд вилоятида пиллачиликнинг аҳволи, у билан боғлиқ ислохотлар ва ўзгаришлар ҳамда мазкур хўжалик турининг иқтисодий ҳаётда тутган ўрни статистик маълумотлар асосида тадқиқ этиб чиқилган.

**Калит сўзлар:** статистика, статистик маълумот, округ, пилла, ипак, волост, генералгубернатор.

Самарқанд вилоят аҳолиси азалдан пиллачилик билан шуғулланиб келишган. Пиллачилик вилоят аҳолиси учун ғаллачилик, пахтачилик ва боғдорчиликдан кейин асосий қишлоқ хўжалига соҳаларидан бири пилла етиштириш ҳисобланган. 1868 йилда Самарқанд руслар томонидан истило қилиниб, Самарқанд, Каттақўрғон бўлимлари ва Тоғли туманлардан иборат таркибда Зарафшон округи тузилди. Округ иқтисодий ҳаёти ижтимоийсиёсий ва маданий соҳаларда бўлгани каби ўзгаришларга учради. Эндиликда пилла етиштириш жараёни ҳам бевосита рус маъмурияти назоратига ўтди. Вилоят статистика бўлимининг статистик тўпламларидаги маълумотлар орқали мазкур соҳанинг қай тарзда ривожланиб борганлиги тўғрисида хулосаларга келишимиз мумкин.

Пиллачилик Туркистон ўлкаси бўйича қуйидаги жойларда айниқса ривожланган эди: Горчаково, Ваиновской, Хўжанд ва бошқа темирўл бекатлари. Ўлканинг Сирдарё ва Амударё вилоятларида ипакчилик билан кўчиб келтирилган рус аҳолиси шуғулланишган [1].

Архив маълумотларига кўра 1869 йилда Зарафшон округи Самарқанд бўлимининг Самарқанд, Дахбед, Даул, Янгиқўрғон ва Челак туманларида пилла қурти етиштириш билан шуғулланишган ва ҳар бирида биттадан жами 5 та бозорда сотишган [2]. Улардаги етиштирувчилар сони қуйидагича бўлган: Самарқанд туманида 400 нафар, Дахбедда 75 нафар, Даулда 24 нафар, Янгиқўрғонда 8 ва Челакда 8 нафар. Жами 515 нафар. Шунингдек, архив ҳужжатларида 1869 йилда Самарқанд бўлими бозорларига Шаҳрисабздан 405





пуд ипак қурти олиб келиб сотилгани ҳам келтириб ўтилган. Мазкур йилда юқоридаги 5 та бозорда қуйидаги миқдорларда пилла қурти сотилган: Самарқанд тумани – 381 пуд; Дахбед тумани – 72 пуд; Даул тумани – 23 пуд; Янгиқўрғон тумани – 7 пуд; Челақ тумани – 7 пуд. Жами Шаҳрибабздан келтирилган 405 пуд билан биргаликда 895 пуд пилла қурти сотилган.

Самарқанд бўлимидаги деярли барча аҳоли боғларида пилла боқиш билан шуғулланган. Аҳолига етиштирган пилла қуртларини бошқа бозорларда сотишга 25 майдан 22 июнгача бўлган давр оралиғида рухсат берилган. Ипак қурти етиштирадиган бинолар фақат Самарқанд туманида бўлиб, уларнинг сони 15 тани ташкил этган ва бошқа қишлоқларда мавжуд бўлмаган [2, с 31]. Руслар истилосидан кейин вилоятда пиллачиликнинг ривожланишида 1871 йилда Тошкент шаҳрида ташкил этилган пиллачилик мактаби ва лабораторияси бериб борган тавсиялар муҳим ўрин тутган. Мазкур мактаб 10 йил фаолият кўрсатгач, генерал-губернатор М.Черняев даврида ёпилади. 1885 йилдан ва ундан кейинги йилларда генералгубернатор Розенбах яна ўлкада ипак қуртини боқиш учун чоралар кўрган. Ушбу мақсадда 1885 йилда Тошкент шаҳрида гренажная станция очилади ҳамда соғлом ва яхши сифатли ипак берувчи Европа зотларини етиштириш бошланади [3]. 1886 йилда генерал-губернатор томонидан Туркистоннинг бошқа вилоят шаҳарларида ҳам шундай станцияларни очиш масаласига эътибор қаратилди ва 1888 йилда Янги Марғилон, Петро-Александровск ва Самарқанд шаҳарларида ҳам шундай станциялар очилади. 1890 йилдан кейин Самарқанд вилоятида пиллачиликнинг янги даври бошланди ва пилланинг европа навларини етиштиришга киришилди. Вилоятга пилланинг европа нави кириб келгач, пилла нархи тушиши бошланди ва пилла қуртларини етиштиришда маҳсулдорликка эришилди. Бунинг натижасида пилланинг сифатида ошиб бориши баробарида аҳолига қулайлик учун унинг нархлари олдинги йилларга нисбатан тушиб борган. Жумладан, 1890 йилда Самарқанд бозорларида ҳам ипак нархи бир пуди учун 300 дан 280 рублгача, 1892 йилда эса 220дан 240 рублгача, 1894 йилда эса 112-140 рублгача бўлган.

1896 йилда Хўжанд уездида ипакчилик қуйидаги шаҳар ва волостларда етиштирилган: Хўжанд шаҳрида, Унжин, Гуликандоз, Наус, Урал, Костакоз волостлари ва Ўратепа участкаси. Олинган пилла миқдори – 44795 пуд 26 ф, очилмаган пилла миқдори – 2245 п 23 ф, ҳам ипак нархи бир пуди – (Хўжанд шаҳрида 178 рубль, Унжин волостида 175 рубль) [4].

1910 йилда Туркистон ўлкаси бўйича пилладан қуйидагича ҳосил олинган: Фарғона вилоятида 163972 пуд; Самарқанд вилоятининг Хўжанд уезидида 23753 пуд; Сирдарё вилоятида 1921 пуд. Жами – 189646 пуд ҳосил олинган [1, с 21]. Мазкур статистик маълумотлардан ўлка бўйича пилла етиштиришда Фарғона вилояти етакчи бўлиб, Самарқанд вилояти иккинчи ва Сирдарё вилояти охириги ўринда турганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса



ўз навбатида, вилоятларнинг табиий шароити ва имкониятлари билан боғлиқ бўлган.

Туркистон ўлкаси бўйича пилла етиштирувчиларнинг умумий муаммоси арзон ва сифати паст пиллада эди. Яъни, ўлкада мавжуд бўлган пилла сифати анча паст ва нархи ҳам шунга мувофиқ арзон бўлган. Шу билан биргаликда ўлка бўйлаб пилла қуртини боқиш учун зарур бўлган тутзорларнинг етишмаслиги кузатилган.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида бўлгани каби юқорида ипакчилик соҳасида ҳам аҳолига агрономлик хизматлари кўрсатилган. Ипакчиликдаги агрономлик хизматининг 2 та асосий мақсади бор эди: 1) яқин келажакда етарлича ипак қурти боқишлари учун аҳолини тут плантациялари билан таъминлаш ва оқилона ипакчилик усуллари билан таништириш; 2) пилла билан шуғулланмайдиган жойларда аҳолини пиллачилик бўйича инспекторлар раҳбарлигида илҳомлантириш ва етиштиришга даъват этиш [5]. 1913 йилда вилоятда Ипакчилик бўйича инспектор Николай Ефимович Егоров бўлиб, Самарқанд шаҳридаги Александровская деган жойда қароргоҳи бўлган [5, с 17]. Инспекторнинг вазифаси пилла етиштиришдан тортиб ҳосилини олгунча бўлган давр оралиғида аҳоли таклиф ва тавсияларини брийб бориш бўлган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида вилоятда пиллачилик ҳолати бўйича қуйидагича хулосага келишимиз мумкин: пилла етиштириш билан маҳаллий аҳолидан ташқари кўчириб келтирилган рус аҳолиси ҳам шуғуллана бошлади; рус қишлоқларининг аксарияти Хўжанд уезида бўлгани сабабли, ўша ҳудудда истиқомат қилувчи рус аҳолиси шуғулланишган; Самарқанд вилояти бўйича асосий пилла етиштирувчи ҳудудлар Самарқанд ва Хўжанд уездлари бўлган; рус маъмурияти томонидан пиллачиликни ривожлантириш учун бир қатор тадбирлар белгиланганлигига қарамадан, ундаги асосий муаммолар сақланиб қолаверди; вилоят ипакка бўлган эҳтиёёжини қоплаш учун кўшни Бухоро амирлигининг Шаҳрисабз беклигидан ипак хариб қилиб турган; пилла етиштиришда маҳаллий навадан ташқари яхши ҳосил берувчи европа навларини ҳам етиштириш йўлга қўйилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. Из путевых заметок. Москва, 1914. – С. 21.
2. ЎзМА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 11-йиғмажилд. 31 варақ.
3. Справочная книжка Самаркандской области на 1895. Вып. III. Самарканд, 1895. – С. 2.
4. ЎзМА, И-18-фонд, 1-рўйхат, 11754-йиғмажилд. 88-89-варақлар.
5. ЎзМА, И-18-фонд, 1-рўйхат, 14122-йиғмажилд. 52-53-варақлар.



## АЪЗАМ ЎКТАМ ВА МИНҲОЖИДДИН МИРЗО ШЕЪРИЯТИДА АНТИТЕЗА

Тўмарис Бутунбаева,

ЎзДХА “Санъат назарияси ва тарихи” кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо шеъриятидаги антитеза, қарама-қаршилик образлари ва контраст акс этган

**Калит сўзлар.** Антитеза, сўз бирикмаси, антономик бирликлар

“**АНТИТЕЗА.** (юнон. antithesis — қарама-қарши қўйиш) — асосий поэтик фигуралардан бўлиб, у турли воқеа-ҳодисалар ёхуд алоҳида бир воқеа-ҳодиса ичидаги зиддиятни очишга қаратилган сўз бирикмасидан ташкил топади. Антонимлар, контраст картиналар, қарама-қарши образлар ва вазиятлар антитезанинг асосини ташкил қилади. Чунки антитезада ҳодисалар бир-бирига қарама-қарши қўйилади, қиёсланади; қарама-қарши қўйиб тасвирлаш эса объектнинг моҳиятини тушунишга қулайлик туғдиради: қиёслаш жараёнида тасвир объектнинг моҳиятини конкрет ва чуқур очиш мумкин.”<sup>1</sup> *Боболарим*

*Уларда ҳар не оқ, ҳар не  
нуроний, Қоралаган демай қалам  
тек қолар.*

*Дуо бирла суяб турар  
дунёни,*

*Пайгамбар ёшини ОҚЛАГАН чоллар.* (Аъзам Ўктам)

Минг йилдирки, шоир ва ёзувчиларимиз бадий дискурсада сўз маъноларининг янги қирраларини кашф этиб, тил таракқиётига, сўз бойлигининг ортиб боришига ҳисса қўшиб келадилар. Нутқимизда “*ёшни қораламоқ*” бирикмаси “*фалон ёшга кирмоқ*” маъносини ифодалашда қўлланади. Маълумки, “*қора*” сўзи отлашганда, ундан феъл ясалганда ҳам, эпитетли бирикма таркибида келганда ҳам ўзининг манфий оттенкалари билан актуаллашади, лирик қаҳрамон ички оламидаги нохуш кайфиятлар ифодаси сифатида тасвирийлик касб этади.”<sup>2</sup> Аъзам Ўктам ўзбек чолларининг оқ соқоли, оқ кийимлари, оқ - беғубор тилакларини умумлаштирган ҳолда, “*ҳар не оқ, ҳар не нуроний*” дея таърифлар экан, уларнинг умр йилларини ифодалаш учун “*фалон ёшни қоралаган*” иборасидаги “*қора*” сўзи муносиб эмаслиги, тўғри келмаслигини таъкидлаб, “*фалон ёшни оқлаган*” дейишни маъқул кўради. Қора - оқ зид маъноли сўзлари орқали ўзбек чолларининг пок

<sup>1</sup> Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Т., Ўзбекистон, 2002. –Б. 450.

<sup>2</sup> Умирова С. Ўша жойда. – Б. 115.





ниятли, фақат яхшилиқ умиди билан яшаб келган инсонлар эканлиги ҳақидаги фикрларини янада бўрттириб, тавсифлаб ифодалашга ҳаракат қилади.

*Ҳаёт неъматлари гоҳ  
ширин, тахир, Чаёндан бол кутиб  
бўлмас-ку ахир.*

*Дунёнинг ишлари қизиқ экан-  
да,*

*Гоҳо саховатдан дарс берар бахил!* (Минҳожиддин  
Мирзо) Ёки:

*Бир зум ёнган бу дил лов  
этди, ўчди,*

*Уйгонган хотира кўз юмди  
яна.*

*Армонлар, соғинчлар  
кўнгилга кўчди,*

*Ҳамон азобларга юрак бошпана.* (Минҳожиддин  
Мирзо) Ёки:

*Бир кун гофилликка солиб  
ўзини,*

*Дард-у дунёмизни огоҳ унутди.* (Минҳожиддин  
Мирзо) Ёки:

*Хазонларнинг йиғиси унут,  
Ғунчаларнинг шивири дилда.*

*Лек, ёшлигим баёт-қўшиғи,*

*Қайтмай кетган ўша булбулда.* (Минҳожиддин Мирзо)

*Ширин-тахир, ёнмоқ-ўчмоқ, гофил-огоҳ, хазон-ғунча* зидликлари айнан антоним лексемалар орқали ифодаланган бўлса, *уйгонмоқ-кўз юммоқ* зидлиги лексема-фразема орқали ифодаланган. Одатда антонимлик бир сўз туркуми доирасида содир бўлади: *яхши-ёмон, тез-секин, ўтирмоқ-турмоқ* каби. *Саховат – бахил* карама-қаршилигида эса антитеза от – сифат тарзидаги ифода орқали юзага келган: “*ўзи бахил бўлгани ҳолда саховатдан дарс бериши*” таърифланаётган салбий қаҳрамоннинг янада тубанлигини таърифлашда қулай восита бўлган.

*Бу кўргилик ўйлаб  
кўргулик: Уриб-сўкиб, ҳуриб  
юриб юксалди-ку пасткашлар.*

*Майдалашиб ўтар энди бу  
“катталар” умрбод.* (Аъзам Ўктам)

Ёки:



*Гоҳ тупроқдай яшадинг  
хоксор,*

*Гоҳ қоядай мағрур турдинг сен.* (Минҳожиддин Мирзо)

Ушбу шеърӣй парчаларда эса антитеза сўз бирикмаси орқали юзага келиб, биринчисида ижтимоӣй жамиятдаги нопок, зўравон кимсалар фош этилса, иккинчисида инсон руҳиятининг зиддиятли ҳолатларини қисқа, лўнда ифода орқали қабарик ҳолда тасвирлашга хизмат қилади.

*Бош эғиб кирганинг ул  
остонадан,*

*Бош эғиб қайтмагин ҳеч қачон, омин.* (Аъзам Ўқтам)

Нутқимиздаги бош компонентли сўз бирикмаси ва фраземалар анчагина бўлиб, улар инсоннинг турли физиологик ва руҳий ҳолатларини ифодалашга хизмат қилади. Уларнинг асосий қисми структурал жиҳатдан от+феъл тузилишига эга бўлган икки ҳамда уч компонентли феъл иборалардир: *бош ирғамоқ, бош эғмоқ, бош қўшмоқ, бошидан соқит қилмоқ, бош олиб кетмоқ, бир ёқадан бош чиқармоқ, бошига етмоқ, бош қотирмоқ* каби.

“Ўзбек тили изоҳли луғати”да *бош эғмоқ* бирикмасининг куйидаги маънолари изоҳланган:

1) бошини туширмоқ, ерга томон пасайтирмоқ. *Кўшиқ тамом бўлди-ю, у бояғидай табассум билан оҳиста бош эғиб қўйди.* (Ў.Ҳошимов. Қалбингга қулоқ сол.) *Аҳмад Ҳусайн бошини сал эғди, унинг туси ҳам алланечук ўзгарди.* (Ойбек. Нур кидириб);

2) бўйсунмоқ, итоат қилмоқ, тиз чўкмоқ; сажда қилмоқ. *Қачонгача энди биз ётларга бош эғамиз, пора бериб кун кўрамиз.* (Н.Сафаров. Танланган асарлар). *Амирга бошини эғмаган кекса шоирни отга боғлаб, қуриб ётган ўт устида ёқиб юборишган.* (Газетадан) *Кимдир тош отса ҳам гоҳо ортимдан, Қошимда бош эғди, келиб сўнги дам.* (А.Орипов. Йиллар армони);

3) ёлвормоқ, ялинмоқ. *Эркак бошимни эғиб қайтиб бораманми, унақада хотиним бўйнимга чиқиб олади, дерди.* (С.Аҳмад. Уфқ);

4) мотам тутмоқ, мотамсаро бўлмоқ. *Мунгли дўппайган қабрлар устида бағри қон қизгалдоқлар бош эғди.* (Ў.Ҳошимов. Қалбингга қулоқ сол) *Балки у кун бошим узра Дўстлар бош ҳам эғадир.* (А. Орипов. Йиллар армони).

Шавкат Раҳматуллаев эса *бош эғмоқ* иборасининг итоаткор бўлмоқ, бўйсунмоқ маъноларини изоҳлар экан, “*бош(и)ни букмоқ*” фраземасини “*уятномусдан бош кўтара олмайдиган ҳолатга туширмоқ*”<sup>2</sup> маъносини ифодаловчи алоҳида бирлик сифатида таърифлайди ва синонимлари қаторида “*бошини ҳам қилмоқ*”, “*юзини ерга қаратмоқ*” шаклларини кўрсатади. Бизнингча, ЎТИЛдаги изоҳларга қўшимча бешинчи маъно сифатида айнан шу ҳолатни киритиш мумкин.

<sup>2</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1978. –Б. 50



Юқорида келтирилган шеърий парчанинг биринчи мисрасидаги *остонадан бош эгиб кириш* ушбу изоҳлардан биринчисига тўғри келади, яъни ўзбекона хурмат, ҳаё-ибо белгиси сифатида келинчак янги уйи остонасидан бош эгиб кириб келиши гўзал удумларимиздан бири. Иккинчи мисрадаги *бош эгмоқ* фраземаси эса салбий бўёқдорликка эга бўлиб, Шавкат Раҳматуллаев изоҳига тўғри келадиган “айбдор бўлиб”, “юзи шувут бўлиб”, “уят-номусдан бош кўтара олмаслик” маъноларини берадики, иборанинг бу маъноси ЎТИЛдан олинган юқоридаги изоҳларда қайд этилмаган. Ўз қизини узатаётган ота тимсолидаги лирик қаҳрамон янги хонадонга бош эгиб бораётган қизининг у ердан айбдор ҳолда қайтадиган иш қилмаслигини, яъни тўғри ҳаёт кечиришлигини насиҳат қилмоқда. *Бош эгиб* бирлигининг сўз бирикмаси – ибора шаклдошлиги асосида қарама-қарши қўйилиши орқали ана шундай прагматик маъно юзага келиб, бу ибора поэтик сўз мақомини олган. Шу икки мисрагина шеърда анафора билан бирга мантикий антитеза, яъни ҳолат қарама-қаршилиги фикрнинг сиқик, ихчам ифода орқали баён этилишига хизмат қилган. *Асалари бўл*

*Ҳаёт ҳикматидан лолмисан,  
дўстим, Икки зот қўлида икки  
ўтқир тиг. Бири – жоҳил эрур,  
шайтон сийрати, Бири – жарроҳ  
эрур эзгу нияти.*

*Бирининг тигидан дунё  
вайрона, Авж олар адоват, қаҳр  
ва ситам. Бирининг тигидан дунё  
ҳайрона, Ортга чекингайдур  
айрилиқ, мотам. Назар сол, ҳар  
икки ҳол эрур ибрат, Жаҳолат  
тигидан мудом нари бўл.*

*Чаённинг нишида йўқ эзгу  
қудрат,*

*Эй дўст сен яхшиси асалари бўл!* (Минҳожиддин Мирзо)

Бу шеърда антитеза синтактик фигураси энантиосемия (лисоний бирлик маънолари ўртасидаги зидланиш)<sup>3</sup> ҳодисаси туфайли ҳосил бўлган зидлик асосида юзага келиб, шоирнинг тафаккур кўлами кенглиги, тилимизнинг нозик табиатини англай олиш қобилияти даражаси юқори эканлигидан далолат берувчи поэтик образлилик яратилган. **Энантиосемия** термини юнон тилида en – “ичдаги”, anti – “қарама-қарши”, sema – “белги” маъносини

<sup>3</sup> Одилов Ё. Ўзбек тилида энантиосемия Ўзбек тили. Ўзбек адабиёти (филология фанлари) докторлик дисс... автореф. Т., 2016 й. –Б.7





англатади.<sup>4</sup> Бу “лексик сатҳнинг ўзига хос ҳодисаси бўлиб, бир сўз ёки фразеологизмдаги икки маънонинг зидланишига асосланади.”<sup>6</sup>

Минҳожиддин Мирзо ушбу шеърда “*тиг*” ва “*ниш*” сўзларининг турли маънолари ўртасидаги зидлик тушунчасидан ижодий фойдаланади. Маълумки, айрим сўз ва ибораларнинг маъно тараққиёти натижасида кўп маънолилиқ ҳодисаси юзага келади. ЎТИЛда *тиг* сўзининг маънолари куйидагича изоҳланади: “1. Қилич, ханжар, пичоқ, найза каби совуқ қуролларнинг умумий номи. *Тиг яраси тузалар, тил яраси тузалмас*. Мақол.

2. Кесувчи асбоб, қурол-яроғ ва ш.к. нинг кескир қирраси, дами; турли машина,

механизм ва ш.к.нинг кескич қисми. *Болтанинг тиги*.”<sup>5</sup>

### **Биринчи маъно асосидаги салбий баҳо:**

*Бирининг тигидан дунё вайрона,  
Авж олар адоват, қаҳр ва  
ситам.*

### **Иккинчи маъно асосидаги**

**ижобий баҳо:** *Бирининг тигидан дунё  
ҳайрона, Ортга чекингайдур айрилиқ,  
мотам.*

Шоир инсоният тарихидаги мангу зиддият – эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашни *жоҳил қўлидаги вайронкор тиг - жарроҳ қўлидаги шифобахи тиг* образли ифодалари орқали баён қилиб, лирик қаҳрамонни эзгулик томонида бўлишга чорлайди. Ниш сўзидаги худди шундай зидлик асосида ўз фикрини яна бир бор далиллайди: *чаён ниши – салбий баҳо, асалари ниши – ижобий баҳо: Чаённинг нишида йўқ эзгу қудрат, Эй дўст, сен яхшиси асалари бўл!*

Демак, тилшунослигимиздаги янги илмий тушунчалардан бири бўлган энантиосемия ҳодисаси ҳам луғат бойлигимизнинг лисоний хусусиятларини далиллаш учун муҳим асос бўла олади.

Аъзам Ўктам шеърлари бошқа шоирларникига нисбатан ўзгача оҳангда жаранглар эди. Шеърларига ўзгачалиқ бахш этган омиллардан энг асосийси — унинг табиатига хос бўлган самимийлик, беғуборлик, эътиқодлилиқ, хушчақчақлик, ҳақгўйлик каби хусусиятлардир.

Аъзам Ўктам антитеза усулидан жуда унумли фойдаланган. “Бадий адабиёт тилидаги антитеза усули (мумтоз адабиётда бу усул тазод деб юритилган) бир-бирига нисбатан қарама-қарши маънолар берадиган сўзларни, ибораларни баёнда ёнма-ён қўллаш орқали образлилиқни

<sup>4</sup> Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –М., 1969. <https://classes.ru/grammar/174Akhmanova>

<sup>6</sup> Одилов Ё. Ўша жойда. – Б.12.

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. IV жилд. –Б. 124.



келтириб чиқаришга асослангандир”.<sup>6</sup> Шеърийда антитеза бадий нутқнинг ифодалилиги, таъсирчалигини таъминлашда қўл келувчи ифода имкониятидир. Бадий нутқ, айниқса, шеърийнинг ифодалилиги, таъсирчанлигини оширишда антитеза жуда кенг қўламли ифода имконияти ҳисобланади. Чунки антитеза орқали қаҳрамон руҳиятидаги контрастлик, муаллиф ҳис-туйғулари бўрттириб тасвирланади. Антитезани вужудга келтирувчи асос антоним сўзлардан, коррелятив сўзлардан, инкор сўзшаклидан, оксюморон кўринишидаги бирликлардан, бир синонимик қатордаги сўзларни контекстуал ҳолда иккинчи бир синонимик қатордаги сўзларга маъно жиҳатдан зидлашдан иборат.

Дунё қарама-қаршилиқлар курашидан, инсон умри ҳам курашлардан иборат эканлиги Аъзам Ўктамнинг “Нега” шеърида ифодасини топган.

*Кун узун, кун иссиқ – малоллар  
келур,*

*Тунлари қоп-қора саволлар  
келур,*

*Тонг чоғи мусаффо хаёллар  
келур, Ақлим менинг тиниқ  
тортмади ҳануз. Етди оқ-қорани  
ажратиш они, Бу умр, бу ўлим  
кимнинг эҳсони?*

*Ҳар лаҳза шу қарзни узиш  
имкони, Билдим, чин сарватни  
ийгмадим ҳануз.*

Сутканинг ёруғ ва қоронғи қисмини ифодаловчи *тун* ва *тонг чоғи* қаршилантеририлиши билан бирга, ўзига хос қўлланиши билан ўқувчи ёдида қолади. Келтирилган мисолда *тун–тонг чоғи* бирликлари орқали антитеза ҳосил қилинган: *тун* “сутканинг кун ботишидан кун чиққунгача, оқшомдан тонг отгунгача бўлган қисми”, *тонг* “кун чиқиш пайти, субҳидам, саҳар, азон” пайти эканлигини назарда тутсак, бу ерда шоир ушбу икки сўз иштирокида антитезани, шунингдек, қаршилантеририш орқали кетма-кетликка кўпроқ эътибор берган, яъни “бедор ўтган тундан сўнг отаётган тонг” антитеза ҳосил қилади. *Оқ-қора* сўзлари орқали зидлик муносабати ифодаланса ҳам, асосий эътибор умумлашма, яъни яхши- ёмон маъносини англатиш учун қаратилган. Антонимик жуфтликни ёнма-ён қўллаш орқали “умумийлик” семасига эга бўлган сўз билан шоир фикри ифода қилинади. “Тобора” шеъридаги

*Ҳар кун бир ҳис учар  
вужуддан, дилдан, ҳар тун бир*

<sup>6</sup> Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол. фанлари д-ри....дис. – Самарқанд, 1993. – Б. 219-220



*туйғунинг ўчар қораси. Тобора  
юракнинг тириклик бирлан очиқ  
бўлаётир ораси*

мисралари кун ва туннинг рамзий маъно (яъни «ёруғлик» ва «қоронғулик» маъноси)да қўлланиши ҳам мумкинлигини эътиборга олсак, у ҳолда тўлиқ қаршилантириш ҳосил бўлади. “Тувакдаги гул” шеъридаги кундуз ва тун қарамақарши тушунчаларни ифодаловчи сўзларни биргаликда қўллаш натижасида кучли бадий тасвир юзага келтирилган. **Кундуз** эсламадим ва лекин **тунлар** ожиз шивирлашинг маҳв этди буткул: “Наҳот менга Ватан бир парча тупроқ, нечун шохларимга қўнмайди булбул?”

“Назорат” шеъридаги

*Қай ишим чиндандир, қай  
сўзим ёлгон, Мен қайда, менинг чин  
йўлим қайдадир?*

*Эътиқод йўлинда тўкким  
келур қон,*

*Жанггоҳ қай ердадир, ўлим қайдадир?* мисраларида ҳаётнинг бутун силсиласи, драматик, поэтик кўриниши, оқ-қора ва турфа ранглардаги ифодасини идрок қилганлиги муҳим ўрин тутади. Ёки: **Ҳақ** йўлида энди тинмаюр, **Ёлгонларга** учмас, қўнмаюр, **Эгилади**, балки синмаюр, **Ўзбекларни кару** кўр деманг. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “ёлгон” сўзи – “ҳақиқатга зид, уйдирма, чин эмас, сохта, қалбаки” каби тушунчалар орқали изоҳланган.

Аъзам Ўктам шеърларида ер-осмон контекстуал антонимларини жуда кўп қўллаган. “Ишонч” шеъридаги осмон-ер зидлиги қуйидагича ифода этилган:

***Осмон** беҳад яқин, **Ер** эса  
юмшоқ, Ёшлик қайтиб кетмас, у  
мангу қолар. Бўзчиман - боғлайман  
ҳар кун бир белбоғ, Сафарим  
қаримас, яшариб турар.*

“Қаноат” шеъридаги макон ва вақт билдирувчи сўзлар ўртасидаги антитезани шоир ўзбек тилининг синонимик имкониятлари кенглигидан фойдаланган ҳолда ер-осмон контекстуал антонимик жуфтлигининг ер-кўк синонимларини келтириб, уларни ҳам зидлаб қўллаган.

*Асл айбим —*

*Текис йўлда қоқинмоқдир.*

*Асл бахтим —*

*Ўзинг кўрмай  
согинмоқдир. Еру кўкдан*





*мудом излаб Хато  
қилдим.*

*Сени топмоқ йўли – Доим  
топинмоқдир,*

Шунингдек, изламоқ-топмоқ лексемалари зидлиги шеърга ўзгача рух бағишлаган. “Англадим” номли шеърда шоир дўст-душман антонимик жуфтлигидан ажойиб поэтик образ яратган:

*Гарчи дунё кенг ва ёруғ, Иқрор ўлмоғим  
керак – Ўзимдан ўзга душман йўқ, Дўст йўқ  
ўзимдан бўлак.*

“Тилим” шеърда ҳосил қилинган антитеза учун *бол* ҳамда *аччиқ* сўзларининг кўчма маънолари асос қилиб олинган.

*Тилимдан бол томмас, аччиқ  
ҳам эмас, ярайди қалбдагин изҳор  
этишига. Узунмас унчалик, қисик ҳам  
эмас, етади бўйнимдан тортиб  
кетишига.*

Қисик сўзи орқали сўз ўйини ҳосил қилинганлигини ҳам таъкидламоқ жоиздир. Бу сўз ҳам ўзига хос қаршилантирилган. Шунингдек, инсоннинг турли рухий ҳолатларини англатувчи антонимларни шоир шеърларида кўплаб учратиш мумкин.

Шоир асарларида тилдаги тайёр антонимик бирликлардан фойдаланмасдан, бадий асарда тасвирнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қиладиган контекстуал антонимлардан ҳам ўринли фойдаланганини учратдик: *Хаёлимда гулхан ловулар / кул остида милтирайди чўғ* мисраларида аслида кул ва гулхан бирликлари антоним эмас, аммо матн ичида қарама-қарши фикрларни ифодалаб, фикрий таъсирчанликни оширган. *У бирла умр хуш, у бирла ўлим* мисраларида ҳам шартли антонимни кўрамыз. Умр бу яшаш маъносини ифодалаётган бўлса, ўлим эса ўз маъносида қўлланган. *Кетмай туриб қарғалар ҳали, қалдирғочлар келганин кўрдим* (91) мисраларида ҳам шартли антоним бўлиб, бу фақат матн ичидагина қарама-қаршилиқни билдиради. Қарғанинг кетиши киши келганидан далолат берса, қалдирғочнинг келиши баҳор келганини билдиради. Шоир мана шу ҳолатни шеърда олиб кириб қутилмаган ва ўзига хос антонимик фикр ифода этган. Бундай ҳолатларда шоир келтирилган тушунчаларни контекстуал антонимик муносабатга кириштирган. Бу эса нутқий таъсирчанликни оширишга хизмат қилган.



УДК 677. 052.021.02.021.

## КОЛЕБАНИЕ СВОБОДНОЙ РОВНИЦЫ В ЗОНЕ ВЫПУСКА ОТРИФ ЦИЛИНДРА ДО ГОЛОВКИ РОГУЛЬКИ НА РОВНИЧНОЙ МАШИНЕ

Бабаджанов С.Х., Джурабекова Н.Р.

### Аннотация.

В данной статье приводятся теоретические выкладки по методике расчета свободных колебаний ровницы на ровничной машине на участке цилиндр -головка рогульки. Предложена подробная методика расчета свободных колебаний провисающей ровницы, проанализирован механизм взаимодействия размеров рабочих органов на форму колебаний для первого и второго рядов выпуска на ровничной машине. Предложена методика расчета свободных колебаний стренги выпускаемой ровницы в зависимости от её расположения по ряду выпуска и длинны участка отриф цилиндра до головки рогульки.

Рассмотрим растяжимую ровницу, натяжение которой  $T$  значительно превосходит по модулю действующие на нее силы, так что последними можно пренебречь. Очевидно, что такая ровница, закрепленная в двух точках, принимает в положении равновесия форму прямой линии. Составим уравнение равновесия для точки  $M$  и построим оси естественного трёхгранника, обозначив через  $\tau$ ,  $\nu$ ,  $\beta$  орты касательной, главной нормали и бинормали соответственно как показано на рис 1.




Рис. 1.

Проектируя на касательную, главную нормаль и бинормаль получим:

$$\frac{dT}{ds} + P_\tau = 0 \quad \frac{T}{\rho} + P_\nu = 0 \quad P_\beta = 0 \quad (1).$$

Действительно, при  $P = 0$  и  $T \neq 0$  из второго уравнения (1) следует



$p = \infty$ , что соответствует прямой линии. Такую ровницу называют обычно струной.




Рис 2.

При поперечных колебаниях ровницы, что каждая ее точка  $M$  может перемещаться только в направлении, перпендикулярном равновесному положению, т. е. оси  $x$  (рис. 2).

Предположим, что поперечные перемещения  $u(x, t)$  всех точек ровницы лежат в одной плоскости и малы.

В соответствии с общей теорией малых колебаний перемещения  $u$  и производные  $\frac{\partial u}{\partial x}$  и  $\frac{\partial u}{\partial t}$  считаются величинами первого порядка малости. Покажем, что в сделанных предположениях с точностью до членов высшего порядка малости при колебаниях ровницы ее натяжение будет все время одинаково во всех точках. Действительно, пусть  $ds$  и  $ds_0 = dx$  — длина элемента  $M_1, M_2$  ровницы в момент времени  $t$  в положении равновесия соответственно. Тогда

$$ds = \sqrt{1 + \left(\frac{\partial u}{\partial x}\right)^2} dx \quad (2)$$

или, пренебрегая квадратом производной  $d_u/d_x$  по сравнению с единицей,

$$ds = dx = ds_0$$

Это означает, что при колебании ровницы растяжение с принятой точностью не изменяется и, следовательно, оно не вызывает с течением времени  $t$  изменения ее натяжения в рассматриваемой точке.

Составим дифференциальные уравнения движения ровницы (3), считая, что в

